VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

7 (172) ● 2012 йил 22 февраль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Мамлакатимиз таълим тизими

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида "ўрта-махсус касб-ҳунар таълими" деб аталган ноёб бир тизим шаклланди. Республикамизда янги типдаги 1537 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қурилди ва уларда ўғил-қизларимиз энг замонавий талаблар асосида ўқитилмоқда.

Янги лойиҳа ва тадбирлар

Ўқув-семинар партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб-ташвиқ этиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган янги лойиҳа ва ишланмаларни тайёрлаш борасидаги билимларимизни мустаҳкамлаш имконини берди.

Миллий ҳунармандчилик

Мазкур давра суҳбати ёшларни қадриятларимиз давомчилари ҳисобланган халқ усталари мактаби ва фаолияти билан яқиндан таништириш, уларни соҳага жалб қилиш ҳамда анъаналар давомийлигини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

4 МИЛЛИЙ ДАСТУР — МИЛЛАТ ҚАНОТИ

5 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

6 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция қатнашчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, муҳтарам конференция иштирокчиларини, биринчи навбатда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки намояндалари бўлган азиз меҳмонларимизни, дунёнинг турли қитъаларидаги 40 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган вакилларни қутлаш ва барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматимни ва ушбу анжуманда қатнашаётганингиз учун самимий миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бизнинг минтақамизда иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга улкан ҳисса қўшиб келаётгани учун мазкур конференцияни ўтказиш ташаббускорларидан бири бўлган Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода жанобларига алоҳида ташаккур изҳор этмоқчиман.

Ўйлайманки, конференция иштирокчилари ушбу форумнинг бош мавзуси, яъни таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари — замонавий давлатнинг изчил ва барқарор тараққиёти, авваламбор, унинг иқтисодий ривожланиши йўлидаги муаммоларни ечиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилаётганига эътибор қаратган бўлсалар керак.

Сир эмаски, бу мавзу биз бошимиздан кечираётган ҳозирги кунларда, дунёдаги деярли мутлақ кўпчилик давлатлар 2008 йилда бошланган, глобал миқёсдаги янги рецессия тўлқинларини келтириб чиқариш хавфини туғдираётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири остида қолиб келаётган бир пайтда алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Бугунги кунда, умумий эътирофга кўра, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётганини исботлаб беришга ҳожат йўқ, албатта.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Бутун дунёда кўзга кўринган олим ва мутахассислар, жаҳондаги машҳур ўқув юртлари, нуфузли халқаро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида Ўзбекистонда шаклланган таълим тизимини ислоҳ этиш модели ва уни амалга ошириш бўйича тўпланган тажрибанинг муҳокама қилиниши биз учун юксак шарафдир.

Аввало шуни таъкидлаш зарурки, бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган "ўзбек модели" — ўз тараққиёт йўлимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Ушбу дастур жиддий изланиш ва тадқиқотларнинг, жаҳондаги тараққий топган илғор мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришнинг натижаси сифатида ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, **одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, қисқача айтганда, бу дастур ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.**

Узоқ йиллар давомида вужудга келган эски таълим тизимини тубдан қайта қурмасдан ва ислоҳ этмасдан туриб бу мақсадга эришиш асло мумкин эмас эди.

Агарки Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислоҳотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принципиал хусусияти аввало шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий ва бепул экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. Бу ўсиб келаётган янги авлодимиз 12 йиллик мажбурий таълим олиш билан бирга аниқ мутахассислик ва касб-ҳунарга эга бўлишини тақозо этади. Бу, айниқса, қизларимиз учун муҳимдир. Биз бунда ҳар қайси янги ташкил бўлаётган ёш оилада аввало қизларнинг ўзи танлаган муайян мутахассисликка, касб-ҳунарга, ҳаётда ўзининг мустақил фикри ва қатъий позициясига эга бўлиши ғоят муҳим аҳамият касб этишини назарда тутамиз. Шунинг учун ҳам барча зарур фанлар бўйича умумий таълим берадиган мактаблардаги 9 йиллик таҳсилдан кейин ёшларимиз, айниқса қизларимиз мажбурий тарзда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқишни давом эттириши, икки-учта замонавий мутахассислик бўйича касб-ҳунарларга эга бўлиши ўта муҳимдир.

2-бет

ФРАКЦИЯ

2011 йил мамлакатимиз ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди. Энг улкан воқеа, шубҳасиз, халқимиз катта тантана билан нишонлаган — мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйидир. Халқимизда ажойиб ҳикмат бор: "Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор".

Ватан тараққиёти учун хизмат қилиш — муқаддас бурч

ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДП ФРАКЦИЯСИНИНГ 2011 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, 2012 ЙИЛДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ҳар қандай давлат ўз тараққиётининг муҳим саналарида босиб ўтган йўлига таҳлилий назар ташлайди ва албатта янги вазифалар, янги марраларни белгилаб олади. Шу маънода, 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" Ватанимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўзининг 2011 йилдаги фаолиятида партия Дастури ва сайловолди Платформасига таянган ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»ни ҳаётга тадбиқ этишни устувор йўналиш сифатида белгилаб олди. Хусусан, бу борада партия ва фракциянинг ҳамкорлигидаги 2011 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди.

5-бет

«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ — РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16-17 февраль

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва глобал рецессиянинг таҳдид солаётган янги тўлқини дунёнинг аксарият давлатларига ҳамон ўз таъсирини кўрсатаётган бугунги кунда жаҳон барқарор иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишга эҳтиёж сезмоқда.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган тажриба билан кенг таништириш мақсадида "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

3-бет

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида "Ўзбекистонда ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари, уста ва ёш ҳунармандлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида юртимизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган таниқли уста ва ёш ҳунармандларнинг маҳсулотлари кўргазмаси иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 31 мартда қабул қилинган "Халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилигини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ташкил этилди ва бу соҳа ривожида муҳим қадам бўлди. Бугунги кунда ЎзМТДП ва уюшма ҳамкорлигида халқ усталари ва ҳунармандлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасини ташкил этиш,

6-бет

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Миллий ҳунармандчилик

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сизлар кеча ва бугун Тошкентда бўлиб турибсиз, эртага Самарқандга борасиз, кимдир Бухорони, кимдир Хивани — бизнинг ана шу қадимий шаҳарларимизни кўриш истагини билдириши мумкин. Сизлар бу шаҳарлардаги тарихий ва маданий ёдгорликлар билан танишар экансиз, имкон топиб, олис туманларимиздаги коллежлар, лицей ва мактабларни ҳам бориб кўришингизни истардим. Шунда сиз бу таълим масканлари мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги ўқув муассасаларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қиласиз, деб ўйлайман.

Ўн икки йиллик мажбурий таълимдан сўнг юртимиздаги ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Ўтган йиллар мобайнида таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгитдан қурилди, капитал реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёнини сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгилаш бўйича улкан чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда 1500 дан ортиқ янги касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди. Сиз, конференция қатнашчиларининг кўпчилиги ушбу билим масканлари билан танишар экансиз, улар ўз меъморий қиёфаси ва техник таъминотига кўра энг яхши олий ўқув юртларидан асло қолишмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Касб-ҳунар коллежларидаги замонавий ўқув-лаборатория, компьютер ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ўқувчилар учун умумий фанлар бўйича нафақат тўлиқ билимлар ҳажмини эгаллаш, айни вақтда ушбу ўқув юртларидаги замонавий техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

Сизларнинг эътиборингизни масаланинг ғоят муҳим бир жиҳатига қаратмоқчиман. **Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз.**

Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда ва биз учун ғоят муҳим жиҳати шундаки, уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан ҳамкорликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда. Марказнинг асосий вазифаси — иқтидорли талабалар, аспирант ва ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий методларига ўргатишдан иборат. Марказни энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилмоқда, у ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари конкрет йўналишдаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Шуни қайд этиш жоизки, айнан шу йўналиш, яъни қатор академик илмий муассасаларни университетлар ихтиёрига бериш ва ҳамкорликда фойдаланиладиган олий ўқув юртлариаро замонавий илмий лаборатория мажмуаларини тузиш ҳисобидан олий ўқув юртларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятга асосланган ўқув жараёнини интеграциялаштириш ҳозирги босқичда долзарб аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани айнан шундан далолат беради. Ўтган давр мобайнида ушбу фонд маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорти объекти барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очиқ спорт майдончалари қаторида замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпиқ спорт заллари ва сузиш ҳавзаларига эгадир.

Юртимизда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун алоҳида, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун алоҳида беллашувларни, олий ўқув юртлари талабалари учун Универсиадани ўз ичига олган яхлит спорт мусобақалари тизими шаклланган. Бундай тизим юз минглаб фарзандларимизни, йигит ва қизларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Мутахассисларни тайёрлаш сифати ва уларнинг реал иқтисодиётда талаб этилиши масалалари бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Дастур доирасида коллежлар, лицей ва олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар ва домлалар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Айниқса, **ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари тубдан ўзгартирилганини** алоҳида таъкидламоқчиман.

Шу ўринда қуйидаги мисолларни келтириб ўтмоқчиман. Кейинги ўн йилда касб-ҳунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсди. Бу рақам яна ва яна бир бор шундан далолат берадики, биз ўқитувчилар меҳнатини муносиб тарзда, айтиш мумкинки, устувор даражада баҳоламасдан ва уларга шу асосда ҳақ тўламасдан туриб, бугунги натижаларга, ўз олдимизга қўйган мақсадларга ҳеч қачон эришолмаган бўлар эдик. Яна бир бор такрорлайман: ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи кейинги ўн йилда бутун иқтисодиётимизнинг бошқа соҳаларидагига қараганда 1,5 баробар кўп ошди.

Умуман, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Менимча, дунёнинг бошқа давлатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 10-12 фоизини ташкил этадиган бундай кўрсаткични камдан-кам учратиш мумкин. Бу биз учун таълим жараёнларининг нақадар улкан устувор аҳамиятга эга эканини, мамлакатни ислоҳ қилиш ва Ўзбекистонда замонавий демократик давлат барпо этиш бўйича бошланган ишларнинг давомчиси бўладиган, янги ғояларни дадил илгари сурадиган ёш авлодни тарбиялайдиган ўқитувчилар меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганимизни яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатимизда 1996 йилда қабул қилинган қонунга кўра, ҳар йили 1 октябрь санаси **Ўқитувчилар ва мураббийлар куни** — умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келаётгани ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилигимиз томонидан юксак эътироф этилаётганининг ёрқин ифодаси бўлди.

Ишончим комил, Ўзбекистонда дунёдаги энг олижаноб ишга ўзини бағишлаган инсонлар учун қилинаётган барча ишлар ўзини тўла оқламоқда. Агарки биз ҳақиқатан ҳам муносиб авлодни тарбияламоқчи бўлсак, ёшларимизга таълим-тарбия бераётган инсонларга муносиб тарзда муносабатда бўлишимиз лозимлигини ҳаммадан кўра яхшироқ тушунадиган сиз, муҳтарам анжуман иштирокчиларининг ҳузурингизда бу сўзларни айтиш менга айниқса мамнуният бағишлайди.

Шу ўринда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажмининг тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган даврда бу борадаги ёрдам 500 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, Осиё тараққиёт банкининг салкам 290 миллион доллар маблағи, Жанубий Корея ҳукуматининг 110 миллиондан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 миллион, ОПЕК фонди, Саудия фонди, Ислом тараққиёт банкининг 42 миллион, Германия ҳукуматининг «КфВ» банки орқали йўналтирилган қарийб 20 миллион ва бошқа донорларнинг 100 миллион доллардан ортиқ ёрдамини қайд этиш лозим.

Мана шу юксак минбардан туриб, биз учун ўта муҳим бўлган ушбу вазифани ҳал этишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб, беқиёс ёрдам кўрсатиб келаётганлари учун халқаро молия ташкилотлари ва банкларига, барча чет эллик шерикларимиз, хорижий мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният етказади.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Ўзбекистонда қабул қилинган Таълим соҳасини ислоҳ этиш ва малакали кадрлар тайёрлаш дастурини амалга ошириш бўйича ўтган даврда бажарилган ишларни бугун қандайдир ўлчов ва рақамлар билан баҳолаш жуда қийин, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Шу билан бирга, бу ҳақда сўз юритар эканмиз, яна бир жиҳатни назарда тутишимиз лозим. Яъни, бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур — бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки қайдан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айни пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир.

Бу борада яна шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, **қадимий Ўзбекистон замини кўп асрлар давомида фан ва маърифат ўчоғи, жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлиб келган, илму маърифатга интилиб яшаш эса халқимиз менталитетининг ажралмас қисмига айланиб кетган.** Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Фарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз бутун дунёда ўзларининг математика, астрономия, геодезия, минералогия, фармакология ва тиббиёт соҳаларидаги тенгсиз кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар.

Ўйлайманки, илм-фанда «алгоритм», «ўнлик саноқ системаси» ва «ноль» тушунчаларининг кашф этилиши айнан Хоразмийнинг номи билан боғлиқ экани кўпчиликка яхши маълум. Абу Райҳон Беруний эса Америка қитъаси кашф этилишидан 500 йил олдин бу қитъанинг мавжудлиги ҳақида башорат қилган. Яна бир буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино ўша олис XI асрда тиббий жарроҳлик операциясини амалга оширгани билан дунёга машҳур. Энг асосийси — унинг «Тиб қонунлари» асари 500 йил давомида Европанинг нуфузли олий ўқув юртларида барча талабалар учун дарслик сифатида ўрганиб келинган. Буюк астроном Мирзо Улуғбек XV асрдаёқ Самарқандда обсерватория барпо этиб, юлдузлар ҳаритасини тузган. Ўйлайманки, бу улуғ зотларни ҳақли равишда жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган инсонлар сифатида таърифлаш мумкин.

Биз неча асрлар давомида илм-маърифат ёғдусини таратган буюк аждодларимиз ҳақида гапирар эканмиз, ёш авлодимизга, менинг фарзандларимга қарата такрор ва такрор айтаман: албатта, биз улуғ алломаларимиз даҳоси билан фахрланишимиз керак. Шу билан бирга, ўзимизга савол беришимиз лозим: уларнинг муносиб давомчилари бўлиш учун бугун биз нима қилмоқдамиз?

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, **фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин** эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Шу борада ўтган давр мобайнида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни — шу рақамга эътибор беришингизни сўрайман — 2 миллион 300 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз битириб чиққани, жорий йилда эса 500 мингдан ортиқ ўқувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипломини олиб, ўқишни тамомлашини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман. Бу ёшлар нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишнинг, айни вақтда мамлакатимиз кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омили ҳисобланади.

Нуфузли халқаро молиявий ташкилотларнинг баҳоларига кўра, Ўзбекистон ҳали-бери давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, ўтган беш йил давомида 8,5 фоиздан кам бўлмаган барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. 2000 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши 2,1 баробарни ташкил этди. Жорий ҳисоб-китобларнинг профицити, ташқи қарзнинг пастлиги ва валюта захираларининг етарли даражада бўлиши таъминланмоқда, ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсиши башорат қилинмоқда.

Шуни қайд этиш муҳимки, бундай суръатлар, биринчи навбатда, таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юксак технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳисобидан таъминланмоқда.

Агар ўтган ўн йил давомида Ўзбекистон иқтисодиётига 80 миллиард доллар ҳажмидаги капитал қўйилмалар йўналтирилган бўлса, уларнинг 23 миллиард доллардан зиёди ёки қарийб 30 фоизини хорижий инвестициялар ташкил этди. Чет эл инвестицияларининг 2012 йилдаги ўсиши 16 фоизни ташкил этиши, уларнинг 70 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан иборат бўлиши кутилмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга хорижий капиталнинг қизиқиши ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг тараққиёт истиқболларига бўлган ишончнинг тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида баён қилинган фикрларни якунлаган ҳолда, Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз — **дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш** йўлида ғоят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. **Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.**

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуманда муҳокама қилиш учун таклиф этилган, иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттиришнинг энг муҳим шарти бўлган таълим тизимини ислоҳ этиш масалалари инсониятнинг буюк мутафаккирларини доимо ўйлантириб келган вазифа — ҳар томонлама уйғун ривожланган баркамол шахсни шакллантиришнинг кўп қиррали ва кенг қамровли муаммоларининг барча жиҳатларини ҳеч бир даражада тўлиқ қамраб олиши мумкин эмаслигини биз албатта яхши тушунамиз.

Иккинчидан, муайян бир мамлакат доирасидаги таълим жараёнини ислоҳ этишнинг ҳар қайси модели универсал даражага кўтарилишга даъво қилиши мумкин эмас. Мамлакатимизда Таълим тизимини ислоҳ қилиш дастурини жорий этиш бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган барча ишлар биринчи навбатда Ўзбекистоннинг узоқ муддатли манфаатларига, унинг ҳозирги анча мураккаб ривожланиш босқичининг мавжуд ҳолати ва хусусиятларига жавоб беради.

Ўйлайманки, барчамиз вақт ҳам, таълим тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари ҳам бир жойда тўхтаб турмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Бу борада мазкур соҳада меҳнат қилаётган барча инсонларнинг, нафақат бўлажак кадрларни тайёрлаётган, айни пайтда ана шу кадрлар талаб қилинадиган соҳалар вакилларининг халқаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам конференция қатнашчилари томонидан ялпи йиғилиш ва секция мажлисларида, бошқа мамлакатларда тўпланган қимматли тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, билдириладиган фикр-мулоҳаза ва таклифлар биз учун ғоят муҳимдир.

Ўзбекистон мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг тегишли олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида қайд этмоқчиман. Биз мазкур форумнинг асосий маъно-мазмунини ҳам айнан шунда кўрамиз.

Шу ўринда бир таклифни алоҳида таъкидламоқчиман. **Қани энди, бундай учрашув ва анжуманлар тез-тез ўтказиб турилса.**

Сизлар бу таклифга нима дейсиз? Албатта, Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлиги ҳақида кўп гапирилади, лекин биз сизларнинг мамлакатимизга тез-тез келиб, элюртимизга хос ана шу ноёб фазилатни ўз мисолингизда кўпроқ ҳис этишингизни истардик. Бизнинг мулоқотимиз ва ҳамкорлигимиз фақат биз бугун муҳокама қилиш учун йиғилган мавзу нуқтаи назаридангина муҳим эмас. Бундай мулоқотларда наинки муҳокама қилинаётган мавзу доирасидаги, балки кенг кўламдаги бошқа масалалар бўйича ҳам ҳамкорликка асос солинади. Энг муҳими, олимлар, раҳбарлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчиларнинг ҳамкорлиги орқали, дунёнинг қайси ўлкасида яшаши, ўқиши ва меҳнат қилишидан қатъи назар, талабалар ва ёшларнинг ҳамкорлиги вужудга келади.

Шунинг учун ҳам биз барчангизни Тошкентда, нафақат Тошкентда, балки қадимий тарих ва цивилизация бешиклари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарларимизда кўришдан хурсандмиз.

Шу имкониятдан фойдаланиб, сиз муҳтарам меҳмонларимизга, барча конференция қатнашчиларига яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий миннатдорлигимни билдиришга рухсат этгайсиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конференция ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

РЕЗОЛЮЦИЯ

«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ – МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ – РЕЗОЛЮЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлатидан, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди. Ушбу нуфузли форумда БМТ Бош котибининг ўринбосари, Осиё тараққиёт банки президенти, Ислом тараққиёт банки президенти, қатор хорижий мамлакатлардан вазирлар, соҳага тегишли қўмиталар раҳбарлари ва парламентлар депутатлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг Ўзбекистон танлаган "ўзбек модели"нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги демократик, тараққий топган мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделлари такрорланмаган ҳамда улардан нусха кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Конференция қатнашчилари мамлакатимиздаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Конференция таълим тизимининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар:

● Бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис XXI аср — интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

● Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

● Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобаллашув даврида билимлилик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

● Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларга эга одамларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

● Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектга эга одамларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-ҳунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажакдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгида умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

● Таълим соҳасида, ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар, ҳам замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг қуйидаги йўналишлар бўйича тажрибасини алоҳида эътироф этиш ва чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидлайди:

● Мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиши.

● 9+3 схемаси бўйича ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни эгаллайди. Бу ўқувчиларга иқтисодиётнинг энг истиқболли ва кўлами кенгайиб бораётган соҳаларида касб-ҳунар кўникмаларига эга бўлиш имконини беради.

Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

● Ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйгани. Бу келажакда таълим муассасалари битирувчилари меҳнат қиладиган корхоналарнинг эҳтиёжларини аниқлаш имконини беради.

● Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик-толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона ZiyoNet ахборот-таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилгани. Бу ўқувчиларнинг зарур ахборотлардан фойдаланиши, видеоконференциялар, семинарлар ўтказиш, масофадан туриб ўқитиш ва ўқув машғулотлари учун мультимедиа аудиторияларини ташкил этишда кенг шароитлар яратиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон таълим тизимида технологиялар ва замонавий медиа ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланишга хизмат қилмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида ташкил қилинган махсус Жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш. Спорт билан шуғулланиш ва болалар, жумладан, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бевосита Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартларига йўналтирилган. Мамлакатда болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича уч босқичдан иборат, мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларни ўз ичига олган ноёб тизим яратилган.

Конференция иштирокчилари қуйидагиларни қайд этдилар:

● Ижтимоий-маданий омилларни, таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган маданиятни тушунмаслик, унга етарлича баҳо бермаслик маданиятни фақат одамларнинг дам олишини ташкил этиш воситаси сифатида юзаки ҳамда бирёқлама тушуниш билан баробардир, бу иқтисодий онгни шакллантиришда уни етарлича баҳоламасликка олиб келади.

● Таълим тизимини ислоҳ қилишда том маънодаги билимли, яхши тарбия кўрган ва маънавияти юксак одамларгина ҳар қандай, энг мураккаб муаммоларни ҳам зўравонлик ва адоватга берилмасдан ҳал этишга қодир эканини эътиборга олиш даркор.

● Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг пировард натижаларига таъсирини баҳолашнинг кўрсаткичлари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидагиларни тавсия этадилар:

кадрлар тайёрлаш сифатини, уларнинг рақобатбардошлиги ва кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, миллий таълим тизимларини модернизация қилиш. Таълимнинг мавқеини шундай даражага етказишни таъминлаш керакки, билим олишга интилиш ёш авлоднинг энг муҳим мақсадли вазифаларидан бирига айланиши лозим;

Ўзбекистон мисолида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида жорий этиш имкониятини ўрганиш. Бу баркамол шахсни шакллантириш ва тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилик томонидан эътироф этилишининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади;

таълим ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида ҳаётининг таркибий қисмига айланиши имконини яратадиган узлуксиз таълим тизимини жорий этиш. Шу муносабат билан "Билим - бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун" концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

аҳолининг, шу жумладан, олис қишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичда бепул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш имкониятини кенгайтириш;

таълим тизимини такомиллаштириш ва уни молиялаш манбаларини кенгайтириш. Давлат бюджетининг шу мақсадларга йўналтирилаётган харажатларига мамлакат миллий бойлиги ўсиши учун сарфланаётган муҳим инвестициялар сифатида қараш. Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтираётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

таълим тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги тажрибасини ҳисобга олиш;

таълим тизимларининг таълим, касб тайёргарлиги, илм-фан, маданият ва спорт баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланадиган комплекс, кенг қамровли хусусиятларини таъминлаш;

энг яхши хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда фаол қўлланиб келинаётган амалиётни ривожлантириш;

иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар ва жамиятнинг муҳим эҳтиёжларига мувофиқ, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтирган ҳолда ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш;

ўқитишнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Ўқув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шунингдек, ўқитиш мазмун-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштиришни кўзда тутиш;

халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институционал ва таркибий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шаклларининг интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанлари соҳасида ўқитиш компонентларини кучайтириш;

таълимни жадал ривожланаётган ва юқори технологияли меҳнат бозорида эҳтиёж катта бўлган мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш учун таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва инженерлик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятга эга тизимини жорий этиш;

барча ўқувчилар ва ўқитувчилар таълим жараёнининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот ресурсларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, электрон ўқитишни кенг татбиқ этиш, ўқитишнинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш;

ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўргатишни кенгайтириш, бу ёшларнинг ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини, шунингдек, уларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини таъминлайди.

Халқаро конференция иштирокчилари Халқаро молия институтлари, донор мамлакатларга қуйидагиларни тавсия этадилар:

ривожланаётган мамлакатларга барча босқичдаги таълим тизимлари, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмаклашиш учун грантлар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш;

таълим тизимини, жумладан, халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш ва тажриба орттириш, шунингдек, мақолалар чоп этиш орқали ривожлантириш борасида жаҳондаги энг илғор тажрибаларни оммалаштиришга кўмаклашиш;

ривожланаётган мамлакатларга дунёнинг тараққий этган давлатларидаги ўқув юртлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда кўмаклашиш.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мазкур анжуманни юксак савияда ташкил этгани ва ўтказгани учун миннатдорлик билдиради.

Конференция Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг таълим технологияларини ривожлантириш ва меҳнат бозоридаги шароитларнинг тез ўзгариб бораётганини эътиборга олган ҳолда, таълим тизимини юксалтириш ва модернизация қилиш жараёнида эксперт-мутахассисларнинг доимий мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

● ТАЪЛИМ

Ёшлар камолотига йўналтирилган ислоҳотлар

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада такомиллаштиришга доир устувор вазифалар белгилаб берилди.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ташкил этилган умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошириш ва янги дарсликларни яратишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбатида ушбу вазифалар ижроси хусусида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур давра суҳбатида депутатлар, таълим-тарбия, болалар спорти соҳалари мутахассислари, услубчилар, ўқитувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.Маматов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларнинг бош йўналиши сифатида белгиланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши мамлакатимизда ўн икки йиллик узлуксиз мажбурий таълим тизимига тўлиқ ўтиш, реал иқтисодиётнинг барча соҳалари учун юқори билим ва малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлмоқда. Ўқитиш тизимидаги ислоҳотларнинг миллий модели янгича тафаккур ва дунёқарашга эга авлодни шакллантириш, Ватанимизни янада тараққий эттиришга хизмат қилмоқда. Бу борадаги барча эзгу саъй-ҳаракатларнинг улкан аҳамияти, мазмун-моҳияти жаҳоннинг кўплаб давлатлари томонидан эътироф этилмоқда. 16-17 февраль кунлари Тошкентда ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференцияда бу яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Таълим сифати ва самарадорлигини янада юксалтиришда давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва улар асосида янги ўқув дастурлари, адабиётлар, қўлланмаларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда барча ўқув фанлари бўйича дарсликларнинг мазмунини доимий тарзда бойитиб, янгилаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат таълим стандартларида ўқувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусияти, имконияти даражасида ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг мезонлари белгиланади. Ушбу жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда такомиллаштирилаётган давлат таълим стандартлари ва модернизация қилинган ўқув дастурлари ўқув жараёнига босқичма-босқич жорий этилмоқда. Янги дарсликларни яратиш, нашр этиш ва ўқувчиларга етказишнинг тизимли механизми шакллантирилган. Бунинг натижасида умумий ўрта таълим мактабларининг дарсликлар билан таъминланиши юз фоизга етди. Барча дарсликлар ва 12 турдаги ўқув қуроллари Президентимизнинг совғаси сифатида биринчи синф ўқувчиларига ҳар йили туҳфа этилаётгани маърифий ислоҳотларнинг кучли ижтимоий йўналтирилгани, бунда инсонпарварлик тамойилига қатъий таянилаётганидан далолатдир.

Давра суҳбатида таълим сифатини янада ошириш ва янги дарсликларни яратишга оид истиқболдаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

* * *

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида очилган "Таълим ва карьера" еттинчи халқаро кўргазмасида шу ва бошқа саволларга жавоб олиш мумкин.

Қаерда ва қандай қилиб сифатли таълим олиш мумкин?

Мазкур намойиш "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича ягона давлат сиёсати юритилаётганини таъкидлади. Бу фикр, шунингдек, дунёда кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги Тошкент халқаро конференцияси иштирокчилари томонидан ҳам қайд этилган эди.

Пойтахтимизда еттинчи маротаба ўтказилаётган "Таълим ва карьера" халқаро кўргазмаси таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ёшларни мамлакатимиз ва хорижда таҳсил олиш йўналишлари ва шакллари билан таништиришга хизмат қилади. Ўтган вақт мобайнида ушбу намойишда юртимиздаги 35 дан ортиқ олий таълим муассасаси ва 40 та ўқув маркази, Европа ва Осиёдаги қатор етакчи таълим даргоҳларининг вакиллари иштирок этди.

— Мен сиёсатшунослик факультетида таҳсил оламан, - дейди Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 4-босқич талабаси Б.Нурмуҳаммедов. — Кейинчалик магистратурада ўқишни давом эттирмоқчиман. Шу боис бошқа олий ўқув юртларида ушбу фаннинг қай тарзда ўқитилишига қизиқдим ва бу ҳақда маълумот тўплаш мақсадида мазкур кўргазмага ташриф буюрдим.

"Таълим ва карьера" халқаро кўргазмаси доирасида Ўзбекистондаги етакчи олий ўқув муассасаларининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтади.

ЎзА

МИЛЛИЙ ДАСТУР — МИЛЛАТ ҚАНОТИ

Биз ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканини ҳамиша ўзимизга яхши тасаввур этиб келмоқдамиз.

Президент Ислом Каримовнинг "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан

Мамлакатимиз таълим тизими

ДУНЁ АҲЛИ ҲАВАСИНИ УЙҒОТДИ

Алишер ПАРДАЕВ,
ЎзМТДП
Сурхондарё вилоят
Кенгаши Ижроия
Қўмитаси раиси

— Фарзандлари келажаги, юрт равнақини ўйлаш, аждодлар руҳи, авлодлар истиқболи учун жонкуярлик ўзбек халқига хос фазилатдир. Бу фазилатлар, айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг қадр топди, дунё юзини кўрди. Шу боис, мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар дунё ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. 2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция бунга яна бир бор яққол далил бўлди. Конференцияда бевосита иштирок этган киши сифатида айтишим мумкинки, унда қатнашган нуфузли халқаро ташкилотлар, 40 дан зиёд чет мамлакатлардан келган таълим соҳаси вакиллари онгу шуурида олам-олам таассуротлар пайдо бўлди, десам муболаға бўлмайди.

Анжуманнинг биринчи куни Тошкент шаҳрида жойлашган мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари ва ахборот-ресурс марказларини ўз кўзи билан кўрган меҳмонларни Ўзбекистонда қисқа муддат ичида таълим соҳасида эришилган оламшумул ютуқлар, у ердаги замонавий жиҳозлар, қулай шарт-шароитлар, энг муҳими, фарзандларимиз, ўқувчи-ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, назарий билимлар амалиёт билан чамбарчас боғлиқ равишда олиб борилаётгани ҳайратга солди. Улар ўзаро суҳбат жараёнида ўқувчиларимизнинг мустақил фикрлаш ва хулоса чиқариш қобилиятларига юқори баҳо бердилар.

Конференциянинг иккинчи куни пойтахтимиздаги Симпозиумлар саройида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз нутқида таъкидланган, мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, ўзгаришлар, янгиланишлар, устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эътибор конференция иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Шу ўринда айтиш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудида жойлашган Сурхондарё вилоятида ҳам мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Вилоятимизда 260 та умумтаълим мактаби янги қурилди ва реконструкция қилинди, 560 та мактаб капитал ва жорий таъмирланди. Бунинг учун 36 миллиард 280 миллион сўм маблағ сарфланди. 120 та янги лицей ва коллеж қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Юртбошимиз томонидан баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида белгиланганлиги, дунё миқёсидаги жуда кўп мамлакатларда таълимга 4,5-5 фоиз маблағ белгиланаётган бир пайтда йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотни 10-12 фоизини ташкил этаётгани, аҳолининг саводхонлик даражаси 100 фоизни ташкил этиши мамлакатимиздаги эркин ва фаровон турмуш тарзи, ёш авлод тақдири ва миллат келажагига бўлган эътиборнинг яққол намунасидир.

Абдуғафур МАМАТОВ,
ЎзМТДП фракцияси
аъзоси

— Президентимиз Ислом Каримовнинг халқаро конференциядаги нутқи халқаро жамоатчилик, таълим тизими ходимларида катта таассурот қолдирди. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз нутқида таълим тизимида истиқлол йилларида амалга оширилган том маънодаги тарихий ишлар баён этилиб, келгусидаги мақсад ва вазифаларга эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида умумтаълим мактабининг 2004-2009 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди ва у муваффақиятли ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида 9500 дан зиёд мактабда қурилиш таъмирлаш ишлари бажарилди. Дастур доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 1326 таси ёки 16 фоизи шаҳарларда, 6887 таси ёки 81 фоизи қишлоқ ҳудудларида, 288 таси эса бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, бу билан шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий-техник базаси орасидаги тафовут барҳам топди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида "ўрта-махсус касбҳунар таълими" деб аталган ноёб бир тизим шаклланди. Республикамизда янги типдаги 1537 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қурилди ва уларда ўғил-қизларимиз энг замонавий талаблар асосида ўқитиляпти. 1998-2011 йилларда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникалари билан таъминлашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 132,1 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланади. Охирги ўн йил давомида хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида қарийб 234 млн. 600 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўқув-лаборатория ва устахона жиҳозларини харид қилишга йўналтирилган. 1616 номдаги 7 млн. нусхада нашр этилган дарслик ва қўлланмалари, 131 номдаги электрон дарслик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари базасида ташкил этилган ахборот ресурс марказларига етказилиб берилди.

Бу каби рақамлар конференцияда ғурур ва ифтихор билан гапирилди ва дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилди. Конференция иштирокчилари сўзларига эътибор қиладиган бўлсак, уларнинг барчалари **мамлакатда таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор, Ўзбекистон ёшларига берилган эътибори ва ғамхўрлиги билан буюк келажагини яратмоқда** каби фикрларни эшитасиз.

Хорижлик нуфузли меҳмонлар томонидан Ўзбекистондаги таълим тизимидан ривожланган мамлакатлар ҳам андоза ва намуна олса арзийди, деган фикрлар янграганда қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлди.

Урал ХАИТОВ,
ЎзМТДП фракцияси
аъзоси

—Халқаро конференция ишида хорижлик экспертлар томонидан келажагимиз ворислари бўлган ёшларнинг таълим-тарбияси борасидаги Ўзбекистон тажрибаси қизғин муҳокама этилди.

Унда муҳтарам Юртбошимиз "Ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин" деб таъкидладилар. Дарҳақиқат, шахс, жамият ва давлат уйғунлигини таъминлашда таълимнинг ўрни беқиёс. Шу боис мустақилликнинг илк даврларидаёқ мамлакатимизда ҳар бир шахснинг билим олиш ҳуқуқи Конституциямизда кафолатланди.

Шу ўринда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзининг дастурида "Мақсадимиз — Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш!" асосий сиёсий шиор эканлиги таъкидланган ва бу шиорнинг таълим тизимида тарбия жараёнида амалга оширилган ишлар билан ҳамоҳанглигини кўришимиз мумкин. Бу борада, айниқса, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш, ўз фикрига эга мустақил шахсларни тарбиялашга қаратилган республика миқёсидаги "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг халқаро конференцияда сўзлаган маърузасида соҳа ривожининг келгусидаги режаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ўз навбатида зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Модомики шундай экан, мазкур йўналишдаги ишларимизни янада жонлантириш, таълим тизимининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириб бориш, баркамол авлодни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашишда фаоллик кўрсатишимиз лозим.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП МК Ижроия
Қўмитаси девони бўлим
бошлиғи:

— Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов халқаро конференциядаги нутқида "Таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш одамларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг сиёсий ва гражданлик фаоллигини, ўз келажагига бўлган ишончини оширишнинг энг муҳим омили ва мустаҳкам асосига айланди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Энг муҳими шундаки, бизнинг янги авлодимиз, билимли, ўтмишнинг ҳар қандай иллатларидан озод бўлган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳал қилувчи ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда", деб таъкидладилар.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида таълим тизимида эришилаётган улкан ютуқлар давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган юксак эътибор ва кенг қамровли ислоҳотлар натижасидир. Зеро, аждодларимиз қадимдан илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти, миллат равнақининг энг асосий шарти, деб билган. Ана шу қадриятларга таянган ҳолда ёшларни маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан юксак билимли қилиб тарбиялаш ва улар қалбида келажакка ишончни юксалтириш, шунингдек, Ватанга, халққа муҳаббат, инсонпарварлик, миллий ифтихор каби фазилатларни сингдириш, мустақил фикрлашга ўргатиш бугуннинг талабидир. Бу каби вазифалар ижросини таъминлашга кўмаклашишда сиёсий партиялар ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Ҳаракат дастурида ёш авлодни миллий, маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат ҳамда нодавлат тизимларини ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Президентимизнинг юқоридаги нутқларидан келиб чиқиб, партия таълим тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштирилишига эришиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида иштирокини таъминлаш йўлида фаоллик кўрсатишга интилади.

Хорижлик олимлар эътирофи

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларидан бир гуруҳи 16 февраль куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига ташриф буюрдилар.

Меҳмонлар аввало ЎзМУ бош биноси, фойедаги экспонатлар, ранг-баранг кўргазмалар билан танишдилар. Университет қадимий қўлёзмалар музейи меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Юртимиз мустақиллиги йилларида Миллий университетда юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, таълим соҳасини янада такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликларни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни акс эттирувчи слайдлар воситасида ўтказилган тақдимот маросими анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Меҳмонлар мамлакатимиз олий таълим муассасаларини оптик-толали алоқа каналлари асосида ягона юқори тезликдаги электрон тармоғига бирлаштирган янги таълим тизими — "Миллий электрон таълим тармоғи"ни қизиқиш билан кузатдилар. Мазкур электрон таълим тармоғи орқали бўлиб ўтаётган машғулотларни акс эттирувчи видеолавҳалар намойиш этилди.

Анжуман иштирокчилари Миллий университетдаги 13 та факультет томонидан тайёрланган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, электрон адабиётлар базаси, инновацион лойиҳалар ҳамда амалиётда эришилган натижалар кўргазмаси, шунингдек, намунавий деканат, кафедра, ўқув хоналари, дарс жараёнлари билан бевосита танишдилар. Миллий университетдан олган таассуротларини "Фахрий меҳмонлар китоби"га ёздилар.

Хорижлик мутахассислар таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида амалга оширилган ишларга юксак баҳо бериб, ўз ҳайратларини қуйидаги фикрлар билан изҳор қилишди.

Ольга Васильевна
Плахотник,
Тарас Шевченко номли
Киев миллий университети
профессори:

— Ўзбекистонда кўп марта бўлганман. Таълим тизимингиз жуда кучли экан. Бунга тан бериш керак. Ёшлар жуда ақлли. Назарий билимларининг асоси кучли. Мени энг ҳайратга солган жиҳат — талабаларнинг ўқишни тугаллагач, йўлланмаларга эга бўлиб, турли жойларга ишга юборилиши ва иш билан таъминланиши бўлди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов саъй-ҳаракатларининг натижаси, деб биламиз. Бу ердаги одамларнинг самимийлиги ва хушмуомалалиги таҳсинга сазовор. Яна бир ҳайратга солган нарса, бу ёшларнинг жуда тарбияли эканлигидир. Миллий университет — номига яраша миллий маънавият сарчашмасига айланганини талабаларингизнинг бахтиёр чеҳраларига боқиб янада теранроқ ҳис этдим.

Абдуманнон
Мулламаъмур Бар,
Саудия Арабистони
"Подшоҳ Абдулазиз Ол
Сауд" университети
профессори:

— Таълим ва тарбия эгизак тушунча. Дунёдаги барча университетлар ёш авлодга таълим билан бир қаторда мукаммал тарбия беришга ҳам ҳаракат қилади. Бизнинг "Подшоҳ Абдулазиз Ол Сауд" университетида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. ЎзМУда менинг эътиборимни тортган биринчи ҳол — миллий тарбиянинг ўзига хос жиҳатлари бўлди. Талабаларнинг кийиниш маданияти, қўлларини кўксига қўйганча шарқона одобини намойиш этиб туришлари замирида нақадар улкан маъно мужассам. Ҳар қандай инсон шундай улуғ масканда таълим-тарбия олишни орзу қилса ажабмас. Менинг фарзандим Лондондаги машҳур университетлардан бирида таҳсил олади. Мен Ўзбекистон Миллий университети билан танишгач, фарзандимни мана шу даргоҳда ўқитсам бўлар экан, деган фикрга келдим. Очиғи, довруғи дунёга достон бўлган ЎзМУ ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзигулик таълим муассасаларидан бири экан. Мен бу масканнинг келажаги жуда порлоқ эканига ишонаман.

Питер Мак Кефери,
Лондон метрополитен
университети проректори:

— Аввало серқуёш Тошкент манзараси ҳақида сўз юритсам. Замонавий бинолар, кенг ва равон йўллар билан Лондоннинг айрим тор кўчалари, унчалик баланд бўлмаган биноларини хаёлан солиштирдим. Тошкент ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзигулик шаҳар эканлигини таърифлашга сўз тополмайман. Кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлгандик. Шунингдек, Тиббиёт коллежи фаолияти билан ҳам танишдик. У ердаги талабаларнинг нақадар фаоллиги ва тиришқоқлилиги эътиборимизни тортди.

Биз анчадан буён ўзбек олимлари билан таълимни ривожлантириш борасида ҳамкорлик лойиҳалари устида ишлаяпмиз. Бундай лойиҳаларни биз Ямайка ва Ботсвана давлатлари университетлари билан ҳам биргаликда амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз. Бироқ, бу борада ўзбек олимларининг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқдир. Дунёда кўплаб университетлар билан ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган ЎзМУнинг бу борадаги дадил қадамлари бизда катта қизиқиш уйғотди. Бу ҳамкорликлар халқларимизнинг дўстлик ришталарини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади, деган умиддаман.

Савва Василеладис,
Грециядаги Переуз
технология университети
профессори:

— Бу менинг Ўзбекистонга ўнинчи ташрифим! Илк бора 1997 йилда бу юртга келгандим. Ўша пайтларда инглиз тилида жуда камчилик кишилар гапира оларди. Ҳозир эса деярли барча ёшларнинг инглиз тилида гапиришларини кўриб ҳайратландим. Сизлар юқори даражадаги инфраструктурага эгасиз. Юқори даражадаги лабораториялар, талабаларни ҳамма билан мулоқотга кириша олишидан жуда ҳайратландим. Биз ўзбек талабаларини ўз университетимизга ўқишга таклиф этганмиз. Улар жуда интизомли, қобилиятли, муомала маданияти юксак даражада эканлигини намоён этишган. Эришилган барча ютуқлар Президент Ислом Каримов сиёсатининг маҳсули эканлигига тан бердик.

Биз ҳозирги пайтда ўзбек олимлари билан ҳамкорлик асосида "ТЕМПУС" дастури бўйича 3 та лойиҳа устида иш олиб боряпмиз. Улардан иккитаси Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти, Наманган иқтисодиёт ва муҳандислик институти билан аллақачон мазкур лойиҳа бўйича қатор ишлар амалга оширилган. "ТЕМПУС" дастури лойиҳасини амалга оширишда ЎзМУнинг ўрни алоҳида! Кейинги ҳафтадан учинчи лойиҳа бўйича иш бошлаймиз. Тахминан, олтмиштача профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабалар ушбу лойиҳа бўйича таклиф этилади.

Суҳбатни оққа
кўчирувчилар:
Тўлқин ЭШБЕК,
Дилшода НАЗАРОВА,
Мукаммал ҚОСИМОВА

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ФРАКЦИЯ

Ватан тараққиёти учун хизмат қилиш — муқаддас бурч

ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДП ФРАКЦИЯСИНИНГ 2011 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, 2012 ЙИЛДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўтган йили фракциямиз томонидан 50 дан ортиқ йиғилиш ўтказилиб, икки юздан ортиқ масала муҳокама қилинди ва уларнинг асосий қисми қонун лойиҳаларидан иборат бўлди. Ҳар бир қонун лойиҳаси фракция йиғилишларида жиддий муҳокамалардан ўтди ва депутатларимиз томонидан ЎзМТДП Дастури, сайловолди Платформасида илгари сурилган ғоя-вазифаларни амалга ошириш ҳамда электорат манфаатларига қаратилган таклифлар билан такомиллаштирилди. Қонунчилик палатаси томонидан ўтган йилда 38 та қонун қабул қилинган бўлса, шундан 37 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг бош ғоясини миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, миллий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини тарғиб қилиш ва уни одамлар онгига сингдириш, мазкур ғоя асосида барча ижтимоий кучларни Ватан равнақи, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида бунёдкорлик ва ижодкорлик фаолиятига бирлаштириш ташкил этар экан, айнан партия фракцияси фаолиятида ҳам, хусусан, қонун лойиҳалари муҳокамаси чоғида бу жиҳатлар ўз аксини топмоқда.

Албатта, фракция фаолиятида асосий йўналиш бу қонун ижодкорлигидир. Ўтган йили фракциямиз томонидан 50 дан ортиқ йиғилиш ўтказилиб, икки юздан ортиқ масала муҳокама қилинди ва уларнинг асосий қисми қонун лойиҳаларидан иборат бўлди. Ҳар бир қонун лойиҳаси фракция йиғилишларида жиддий муҳокамалардан ўтди ва депутатларимиз томонидан ЎзМТДП Дастури, сайловолди Платформасида илгари сурилган ғоя-вазифаларни амалга ошириш ҳамда электорат манфаатларига қаратилган таклифлар билан такомиллаштирилди.

Қонунчилик палатаси томонидан ўтган йилда жами 38 та қонун қабул қилиниб, 37 та қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди ва кучга кирди.

Фракция аъзолари томонидан Қонунчилик палатаси депутатининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда бир қатор қонун лойиҳалари устида ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фракция аъзолари ташаббуси асосида 2010-2011 йилларда жами 10 та қонун тайёрланиб, шундан 5 таси қабул қилинди ва кучга кирди. Қолган қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилиниб, айни пайтда янада такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Концепцияда белгиланган вазифалар доирасида бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фракциямиз аъзолари фаол иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, фракция аъзолари томонидан “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси тайёрланиб “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”ни ижро этишда меъёрий-ҳуқуқий актлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича” Комиссияга тақдим этилди.

Қабул қилинган қонунларнинг асосий қисми “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” доирасида ишлаб чиқилди. Хусусан, 2011 йил апрель ойида Юртбошимиз ташаббуси билан киритилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98 моддалар)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши билан парламент ҳаётида янги босқич бошланди, деб айтиш мумкин. Мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимиз Конституциясига давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасида ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда парламентнинг, сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида киритилди.

Конституцияга мувофиқ ҳамда “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да белгиланган қоидаларни амалга ошириш доирасида 2011 йил 15 июлда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевнинг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботи эшитилди.

Бош вазирнинг ҳисоботини эшитиш «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунни рўёбга чиқаришда амалий қадам бўлди, бу марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органлари қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя қилиши, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим дастурларини бажариши борасида уларнинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини, ваколатларини кучайтиришнинг муҳим омилига айланди.

Шунингдек, фракция аъзолари қўмиталарнинг назорат-таҳлил ишлари режасига мувофиқ, қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари ижроси юзасидан ўтказилган 50 дан ортиқ назорат-таҳлил тадбирларида иштирок этишди. Фракция ўз фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларидан келиб чиқувчи вазифаларнинг ижро этилишини таъминлашда тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолияти устидан парламент назорати масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнлари устидан назоратнинг кўп босқичли тизими шакланмоқда. Мазкур тизим барча даражадаги масъул шахслар томонидан қонунларга ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан ижро ҳокимияти устидан самарали назорат ўрнатилишини, бюджет маблағларини мақсадли сарф этиш устидан назоратни амалга оширишни, аҳоли фаровонлигини оширишнинг зарур шарти сифатида сиёсий барқарорликни таъминланишига кўмаклашишни назарда тутади. Фракция бу борадаги фаолиятида партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, жамоат ташкилотларига, мутахассис ва экспертларга таяниб келмоқда.

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг бош ғоясини миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, миллий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини тарғиб қилиш ва уни одамлар онгига сингдириш, мазкур ғоя асосида барча ижтимоий кучларни Ватан равнақи, демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида бунёдкорлик ва ижодкорлик фаолиятига бирлаштириш ташкил этар экан, айнан партия фракцияси фаолиятида ҳам, хусусан, қонун лойиҳалари муҳокамаси чоғида бу жиҳатлар ўз аксини топмоқда. Айниқса, фракциялараро курашда партиямиз позициясини ҳимоя қилиш, бошқа партия фракциялари илгари сураётган ғояларга танқидий ёндашиб, ЎзМТДП электорати манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фракциямизда қонун лойиҳаларини — бу ҳужжат юртимиз ва халқимиз манфаатларига нечоғлик жавоб беради ва партиямиз дастурий ғоя-мақсадлари ва унинг ижтимоий қатлами манфаатларини нечоғлик ифода этади, деган талаблар асосида муҳокама қиламиз.

Сиёсий майдонда партия ва фракция фаолиятини янада кучайтириш нуқтаи-назаридан партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларимиз давлатимиз раҳбари томонидан баён қилинган Концепция асосида яна бир бор таҳлил қилиб чиқилди. Шу асосда қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти ҳамда партиянинг ўз электорати билан алоқаларини фаоллаштириш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди. Мазкур вазифаларни амалга ошириш юзасидан бир нечта ишчи гуруҳлари тузилди ва фаолият олиб боришмоқда. Хусусан, “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари жойларда партия фаоллари ва ҳудудий партия ташкилотлари салоҳиятини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар ва турли тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Яъни, фракция ва партия Марказий Кенгаши ҳамкорлигида ҳудудий партия ташкилотлари ва жойлардаги депутатлик гуруҳлари имкониятларини ошириш бўйича иккита алоҳида партиявий лойиҳа ишлаб чиқилди ва бу лойиҳалар мафкуравий ҳамда ташкилий-кадрлар йўналишида амалга оширилди. Лойиҳага мувофиқ, йил давомида барча ҳудудий партия ташкилотларида фракция аъзолари иштирокида махсус семинарлар ташкил этилди. Бунда барча партия ходимлари, ЎзМТДПдан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари қамраб олинди.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан ҳудудий партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолияти ўрганилиб, улар иш услубларини такомиллаштириш мақсадида амалий ва ташкилий-услубий ёрдам кўрсатилмоқда. Бир сўз билан айтганда, фракция аъзолари йил давомида партия ва парламентдаги фаолияти доирасида 700 га яқин тадбирларда фаол иштирок этишди, бу маҳаллий ва халқаро конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, турли учрашувлар ва ҳоказо.

Фракция аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишидир. Ўтган йилда Қонунчилик палатаси регламентига мувофиқ 3 маротаба жойларга чиқилди ва фракция аъзолари сайловчилар билан учрашувлар ўтказишди. Учрашувларда сайловчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, палатанинг қонун ижодкорлиги фаолияти, жумладан, қабул қилинган қонунлар, уларнинг мазмуни, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари мақсадлари ва вазифалари тўғрисида батафсил ахборот бериб ўтдилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан парламент палаталарининг қўшма йиғилишида илгари сурилган Концепцияда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида; Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишдаги «Бизнинг йўлимиз — демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» деб номланган маърузасининг моҳияти ва мазмуни ҳақида; «2011 йилда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури»нинг бажарилиши ҳамда «2012 йилда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури»нинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, фракция аъзолари томонидан ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар чоғида қатор қонунлар ва Давлат дастурларининг ижро этилиши устидан ҳам назорат қилиш амалиёти жорий этилди. Хусусан, 2011 йил декабрь ойида “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида учрашувлар ўтказишди ва шу билан биргаликда жойларда коллеж битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлашнинг ҳолатини ҳам ўрганишди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, 2011 йилда иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини бажариш бўйича комплекс чоралар татбиқ қилинган ва самарали механизмлар жорий этилган. Шунга қарамай, коллеж битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш, уларни қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича вазифалар долзарблигича қолмоқда. Ўрганиш натижаларига кўра, фракция ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазири Б.Ходиевнинг ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Хаитовнинг “Коллежлар битирувчиларини ўз ихтисосликлари бўйича бандлигини таъминлаш юзасидан 2011 йилда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолати тўғрисида”ги ахборотлари бўйича парламент эшитуви ўтказилди.

Фақатгина декабрь ойида фракция аъзолари томонидан жойларда жами 163 та учрашувлар ўтказилди. Бу учрашувларда 20 000 га яқин сайловчи иштирок этди. Жойларда ўтказилган учрашувларда сайловчилар томонидан 483 дан ортиқ саволлар берилди. Сайловчилар мурожаатига кўра фракция аъзолари томонидан 142 та масала жойида ҳал қилинди, 37 та масалани ҳал қилиш учун маҳаллий давлат органларига, 9 та масала бўйича республика ташкилотларига мурожаатлар тайёрланди.

Жами бўлиб, фракция аъзолари томонидан фуқароларнинг 900 га яқин мурожаати кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли чоралар кўрилган ва жойларда долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилган. Сайловчилар ва учрашув иштирокчиларининг қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан билдирган қатор таклифлари қонунларни тайёрлаш жараёнида ҳисобга олинган.

Аҳолига сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги кенг қамровли ислоҳотлар моҳиятини, ҳуқуқий негизини тушунтириш, амалдаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини, парламент, партия ва Қонунчилик палатасидаги фракция фаолиятини ёритиш мақсадида фракция аъзолари томонидан радио ва телевидениеда 400 дан ортиқ чиқиш уюштирилган, газета ва журналларда 300 дан ортиқ мақола чоп этилган.

“Миллий тикланиш” ДП фракциясининг 2011 йилдаги фаолияти таҳлили 2012 йилда ҳам депутатларимиз ўз фаолиятини янада кучайтириши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга бутун салоҳиятларини сафарбар этишлари талаб этилади. Зеро, Ватан тараққиёти учун хизмат қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

У.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Янги лойиҳа ва тадбирлар

ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎНИКМА ВА МАЪЛУМОТЛАРГА ЭГА БЎЛДИК,- ДЕЙДИ ЎҚУВ-СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИ

Юртимизда истиқлолнинг илк кунларидан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат ва жамият ҳаёти ҳамда бошқарув жараёнларидаги иштирокига катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, саксондан ортиқ қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хотин-қизлар ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болалик оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, «Оила йили», «Аёллар йили», «Она ва бола йили» давлат дастури ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши юртимиз аёлларига ҳар томонлама муносиб шароит яратиш йўлида дастуриламал бўлмоқда.

Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси қошидаги “Аёллар қаноти” томонидан партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жамиятимизда аёлларнинг мавқеини ошириш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида “Конституция ва амалдаги қонун ҳужжатларида хотин-қизлар манфаатининг кафолатланиши”, “ЎзМТДП фаолиятини янада кучайтиришда хотин-қизларнинг ўрни ва роли”, “Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришда сиёсий партияларнинг ўрни”, “Ўзбекистонда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар”, “Хотин-қизларнинг етакчилик сифатларини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти” каби бир қатор мавзуларда ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида илгари сурган Концепция ва “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асари мазмун-моҳиятини хотин-қизлар ўртасида тарғиб қилиш, ўқитиш ва ўрганишга бағишланган семинар-тренинглар ўтказилди. Уларда партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда туман (шаҳар) Кенгашларининг “Аёллар қаноти” раҳбарлари, хотин-қизлар қўмитаси фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Ўқув жараёнида тингловчилар эътиборига “Миллий тикланиш ва тараққиёт ғоясини амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни”, “Партия кадрлари захирасини шакллантиришда “Аёллар қаноти”нинг вазифалари”, “Партиявий тадбирлар ташкил қилишнинг замонавий усуллари”, “Партия бошланғич ташкилоти ва электорати билан ишлаш технологиялари” каби қатор мавзуларда маърузалар ҳавола этилди.

— Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш, аёлларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, улар фаолиятида дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш, мустақил фикрли ва мустаҳкам позицияга эга бўлишни шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда,- деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Ҳанифа Зокирова. — Мазкур жараёнда ЎзМТДП “Аёллар қаноти” фаолиятини янада жонлантириш, партия сафига сиёсий фаол, дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган, интеллектуал салоҳияти юксак хотин-қизларни жалб қилиш, уларнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлардаги иштирокини таъминлаш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Бу борада партия ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган ўқув-семинарлар ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Ўқув-семинарларда иштирок этган партия вакилларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Амона ХОЛИҚОВА,
ЎзМТДП Куйи Чирчиқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Ўқув-семинар партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб-ташвиқ этиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган янги лойиҳа ва ишланмаларни тайёрлаш борасидаги билимларимизни мустаҳкамлаш имконини берди. Зеро, фаолиятимизда айнан шу жиҳат камчилик сифатида кўзга ташланаётганди. Шунингдек, партия сафини ташаббускор ва илғор хотин-қизлар билан кенгайтиришда тадбирлар таъсирчанлигини ошириш, улар ўртасида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган тарғиботнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётда эркин қўллаш борасида ҳам ўзаро фикр алмашдик.

Нозима ҲОШИМОВА,
ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:

— Ўқув-семинарда тажриба ва кўникмаларимизни янада ошириб, хотин-қизлар билан ишлаш борасида замонавий технологиялардан фойдаланишни ўргандик. Шунингдек, ўқувда фаолиятимизда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳам интерфаол усулда машғулотлар олиб борилди. Жумладан, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” фаолиятида электорат билан ишлаш масаласида камчиликлар кўзга ташланади. Мазкур масалада партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришимиз лозим бўлади. Бу борада бошланғич партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар билан ҳамкорликни кучайтиришимиз зарурлиги таъкидланди.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Миллий ҳунармандчилик

ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилик сирларини ёшларга ўргатиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва бозорларимизни миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда.

— Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб аждодларимиз томонидан асрлар давомида эъзозланган ва маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий ҳунармандчилик анъаналарини тиклаш, ривожлантириш, уста ва ҳунармандлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда,- деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари А.Эшмуродов. Партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДПнинг асосий электорати ҳисобланган ҳунармандлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2010 йилда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Ўтган вақт мобайнида уюшманинг 1400 нафардан ортиқ ҳунарманди партиямизга аъзо бўлди. Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари билан биргаликда мунтазам давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда. Қолаверса, жойларда "устоз-шогирд" мактаблари ташкил этилиб, ёшларга миллий ҳунармандчилик сир-асрорларини ўргатиш кенг йўлга қўйилди.

Давра суҳбатида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси У.Жалменов "Ўзбекистонда ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари", Республика "Ҳунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари Л.Мирзаева "Ҳунармандчиликни ривожлантиришда олиб борилаётган ишлар: муаммо ва ечимлар" ҳамда К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти санъатшунослик факультети декани, доцент Ш.Ғуломованинг "Ўзбек халқ амалий санъатининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни" мавзусидаги маърузалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Ҳаракат дастурида қайд этилганидек, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган, "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини янада ривожлантиришга кўмаклашиш йўлида изчил чора-тадбирлар, амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Партиянинг ҳудудий ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан ўтган йил давомида ЎзМТДП электорати ҳисобланган уста-ҳунармандлар манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган 150 дан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари, семинар ва учрашувлар ўтказилди.

Лутфия МИРЗАЕВА, Республика "Ҳунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари:

— Юртимизда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, касб-ҳунарни санъат даражасига кўтарадиган иқтидор эгаларини муносиб рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун мамлакатимизда етарли ҳуқуқий асос яратилган. Ҳунармандларимиз 25 йўналишда эркин фаолият олиб бормоқдалар ва улар тайёрлаётган маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки жаҳон миқёсида муносиб ўрин топмоқда. Ҳунармандларимиз меҳнатини муносиб баҳолаш, маҳсулотларини оммалаштириш мақсадида уюшма 2008 йилда Нодавлат ва нотижорат ташкилотлар Миллий Ассоциациясига, 2009 йилда эса Жаҳон "Ҳунармандлар" уюшмасига аъзо бўлди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Самарқанд, Жиззах, Андижон, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида "Ҳунармандлар марказлари" ишга туширилди. Тарихий обидалар қайта таъмирланиб, ҳунармандларга фойдаланиш учун топширилди. Соҳа ривожи йўлида амалга оширилган ютуқларимиз талай, лекин айрим муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун айтадиган бўлсак, республикамизнинг ер-тита вилоятида ташкил этилган "Ҳунармандлар марказлари" фаолиятини янада жонлантириш, "устоз-шогирд" анъанавий мактабини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини ташкил этиш ниятида ушбу марказларга доимий сайёҳлик маршрутларини йўлга қўйишга интилмоқдамиз. Агар мазкур режамиз амалга ошса маънавиятимиз, миллий қадрият ва анъаналаримиз ривожланишига, сайқалланишига муносиб ҳисса қўшилган бўлар эди. Мазкур давра суҳбати ҳам ёшларни қадриятларимиз давомчилари ҳисобланган халқ усталари мактаби ва фаолияти билан яқиндан таништириш, уларни соҳага жалб қилиш ҳамда анъаналар давомийлигини таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мансур ҚУРЯЗОВ, Кўғирчоқсоз уста:

— Юртимизда мустақиллик йилларида миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. Хусусан, Давлатимиз раҳбари фармони билан ҳунармандлар солиқ ва божхона тўловларидан 2014 йилга қадар озод этилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, яратилаётган имтиёзлар воситасида бугунгача дунёнинг 16 давлатида бўлиб ўтган турли кўргазма ва фестивалларда иштирок этиб, миллий маданиятимиз, амалий санъатимизни хорижий мамлакатларда намойиш қилиш имкониятига эга бўлдим. Уста-ҳунармандлар маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш имконияти янада ортди. Бундан ташқари хорижий давлатлар музейларида миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари намуналари сақланаётганлиги ҳам қувонарли ҳол, албатта.

Тўғри, қўлга киритилаётган ютуқларимиз кўп ва уларнинг барчаси ўзимизники. Аммо соҳада айрим камчиликлар ҳам учраб турибди. Масалан, ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам, кўғирчоқлар билан ишлаётганимга ҳам 25 йил бўлай деб қолди. Шу йиллар мобайнида миллий ўйинчоқларимиз турини кўпайтиришга қўлимдан келганча интилдим. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги барча мактабгача таълим муассасалари миллий кўғирчоқлар билан таъминланса ва улар воситасида турли машғулотлар ўтказилса, деган таклифимизни вазирлик ва мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методик маркази қўллаб-қувватлади, илмий кенгаш тавсиянома ҳам берди.

Ҳасан АБДУРАҲМОНОВ, ЎзМТДП аъзоси:

— Инсон индивидуал ривожланишида миллий қадриятларимизнинг ўрни беқиёс. Халқимизнинг анъана ва урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган миллий ҳунармандчилигимиз ва халқ амалий санъатини ривожлантириш, соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ва бу жараёнда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар онгига миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросимизни ўрганиш ва келгуси авлодларга етказишда бу каби давра суҳбатлари алоҳида аҳамият касб этади.

Эргаш ХЎЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

● ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» шиори остида ўтказиладиган мақолалар танлови НИЗОМИ

ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ:

«Мустаҳкам оила йили»га бағишлаб Республикамиз хотин-қизлари ўртасида **«Мустаҳкам оила — жамият таянчи»** шиори остида ўтказиладиган мақолалар танловининг асосий мақсади мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, оилада инсон қадри ва олижаноб фазилатларни тарғиб қилиш орқали миллий тикланиш ғояларини одамлар онгига сингдириш, юксак маънавиятни шакллантиришда, таълим-тарбияни такомиллаштиришда оиланинг ролини мустаҳкамлаш, шунингдек, демократик жамиятни барпо этишда ёш оилаларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларда оилага муҳаббат ва садоқат орқали Ватанга, келажакка ишонч руҳини шакллантириш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг миллий-маънавий қадриятларининг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун яратилган шарт-шароитларни тарғиб қилиш орқали партия сафида етакчи аёллар салмоғини оширишдан иборат.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИ:

1. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 18 ёшдан кичик бўлмаган хотин-қизлар ўз мақолалари билан иштирок этиши мумкин.

2. Тақдим этиладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар:

— мақолада мустақиллик йилларида оила институтига берилаётган эътибор, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари акс этиши;

— миллий қадриятлар ва анъаналар асосида оилага нисбатан шарқ фалсафасининг ўзига хос жиҳатлари ифодаланиши;

— баркамол авлодни шакллантиришда оиланинг ўрни, оила мустаҳкамлигида унинг ҳар бир аъзосининг масъулияти, бурчи, тарбия ўчоғи, оила меҳр-оқибат қўрғони, маҳалланинг ажралмас бир қисми эканлиги, қолаверса унинг бугунги ривожланаётган жамиятимиздаги ўрни, хотин-қизларимизнинг оила ва жамиятда тутган мавқеи, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг бамисоли бир оиладек яшаши, оила институтининг мавқеи борасидаги фикр-мулоҳазалар акс эттирилиши лозим.

Мақолалар 2012 йилнинг 1 июнига қадар босма оммавий ахборот воситалари (газета ва журналлар)да чоп этилган бўлиши шарт.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар (асл ва электрон нусхалари) **«Мустаҳкам оила — жамият таянчи»** танловига деган қайд билан **2012 йилнинг 10 июнига** қадар ЎзМТДП вилоят Кенгашларига, **15 июнига** қадар Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девонига ёки танлов учун махсус ташкил этилган электрон почта **(ayollarqanoti@mail.ru)**га жўнатилиши лозим.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ:

Танловга тақдим этилган мақолалар ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашлари Ижроия Қўмиталари девонида сараланади ва вилоят миқёсида ғолиб деб топилганлар (1, 2, 3-ўрин) Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девонига юборилади.

Тақдим этилган мақолалар ЎзМТДП МК ИҚ томонидан тузилган эксперт гуруҳи томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Танлов ғолиблари ва иштирокчилар 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами арафасида тантанали равишда тақдирланадилар.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ:

— Ғолиблар ҳақидаги маълумотлар «Миллий тикланиш» газетасида кенг ёритилади ва уларнинг мақолалари «Миллий тикланиш» газетасида **«Мустаҳкам оила — жамият таянчи»** рукни остида чоп этилади.

— Ғолиблар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совға, фахрий ёрлиқ ва диплом билан тақдирланади.

● ХРОНИКА

Мустақиллик ва маънавият

ЎзМТДП Қуйичирчиқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан "Мустақиллик — миллий маънавиятимиз юксалишининг пойдевори" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши девони ходимлари, партия бошланғич ташкилотлари аъзолари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Қуйичирчиқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Халикова кириш сўзи билан очиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партиялар фаол иштирок этаётганлигини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида миллий қадриятлар ва анъаналаримиз қайта тикланиб, халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланганлиги хусусида гапириб, бу борада партия фаоллари олдида турган вазифаларга эътибор қаратишди.

Тадбир якунида истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдиришни янада кучайтириш, миллий ўзлигимизни асраш ва қадриятларга ҳурмат туйғусини кучайтириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Б.ХОЛМАТОВ

● БПТ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Тошкент вилояти Кенгаши таркибида 200 та бошланғич партия ташкилоти мавжуд бўлиб, ўз сафига 5000 нафарга яқин партия аъзосини бирлаштиради. Шундан 22 таси ЎзМТДП Зангиота туман Кенгаши ҳиссасига тўғри келади.

Қуйи бўғинлар

ФАОЛИЯТИДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ УСТУВОР МАСАЛА БЎЛСИН

Маълумки, бошланғич партия ташкилотларининг самарали фаолияти ҳар бир сиёсий партиянинг мақсад ва ғояларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан партиявий ишлар таъсирчанлигини таъминлаш, қуйи бўғинлар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида партия Марказий Кенгаши томонидан ўтган йил бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Бунинг ижобий самараси ўлароқ жойлардаги бош таянчларимиз фаоллиги ортиб ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган ишлар жонланди.

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши таркибидаги мавжуд бошланғич партия ташкилотлари ичида Зангиота туманидаги "Зоирхон Жалилов" номли маҳалла фуқаролар йиғини қошида тузилган ва 30 нафарга яқин партия аъзосини бирлаштирган БПТ томонидан партия дастуридан келиб чиққан ҳолда мунтазам равишда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган турли мавзуларда 40 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди.

— Бошланғич партия ташкилоти томонидан ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини кучайтириш, ўсиб келаётган авлоднинг сиёсий ва мафкуравий билимларини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлар ўтказилди, - дейди БПТ раҳбари Назира Набиева. — Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда меҳнат жамоаларида ташкил этилган йиғилишларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари, олимлар, ижодкорлар иштироки таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қуйи бўғин томонидан ташкил этилган тадбирлар, асосан, ЎзМТДП Зангиота туман Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Бу эса ўз навбатида жойларда партия етакчилари ва депутатлар билан учрашувлар уюштириш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш сингари имкониятларни юзага келтирмоқда. Бундан ташқари бошланғич партия ташкилоти томонидан партия электорати манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларни янада жонлантириш имконини бермоқда.

— Бугунги ислоҳотлар жараёнида сиёсий партиялар олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, - деди ЎзМТДП Зангиота туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ҳакима Назарова. — Жумладан, тумандаги "Зоирхон Жалилов" номли маҳалла фуқаролар йиғини қошида тузилган БПТ билан ҳамкорликда мазкур ташкилотга партия электорати ва фуқаролардан асосан туманда бандлик, соғлиқни сақлаш масалаларида келиб тушган 50 га яқин мурожаатлар ўрганиб чиқилди.

Қуйи бўғинлар сиёсий партиянинг асосий негизи, бош таянчи экан, улар фаолиятини жонлантириш ва ишини такомиллаштириш бугунги ислоҳотлар жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан фаоллик ва ташаббускорлик доимий шиоримиз бўлиши лозим.

Мавлуддин ИСЛОМОВ

Мамлакатимизда истиқлол берган имкониятлар туфайли демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг демократик мезонлар асосида фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди.

● ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

Электорат манфаатлари

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк кунларидан юртимизда бошқарувни эркинлаштириш, давлат ва жамиятни модернизациялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида тақдим этган Концепцияда илгари сурилган ғоялар ва қонунчилик ташаббуслари сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклади. Мазкур жараёнда улардан ташаббускорлик, саъй-ҳаракат ва фаолликни янада кучайтиришни тақозо этади.

Таъкидлаш жоизки, бугун замон сиёсий партиялар олдига ўз аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда муҳим ва кенг қамровли юксак талаблар қўймоқда. Ана шундай даврда ЎзХДПнинг Жиззах вилоятидаги айрим туман партия кенгашларининг фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Хусусан, 1130 нафар аъзо, 35 та бошланғич ташкилотини бирлаштирган Жиззах туман партия Кенгаши фаолияти билан танишиб, бунга амин бўлдик.

Айниқса, ҳудудий партия ташкилоти қошидаги бошланғич ташкилотлари аксариятининг фаолияти жуда суст. Хусусан, партия туман кенгаши қуйи бўғинлар фаолият самарадорлигини таъминлашда маҳаллалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиб, "Маҳалла — манзилли ижтимоий ҳимоя маркази" мавзусида давра суҳбатлари ўтказилган. Буни кўриб туманда партиявий ишлар камчиликлардан холи экан, туман кенгаши қизғин фаолият оғушида, деган хулосага келасиз. Аммо, ЎзХДП Жиззах туман Кенгаши фаолиятини ўрганиш жараёнида фикрингиз ўзгаради. Масалан, бундан бир неча йил аввал туман маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги ЎзХДП бошланғич ташкилоти ва партия туман Кенгаши ҳамкорлигида қатор тадбир, давра суҳбати ва учрашувлар ўтказилган. Аммо сўнгги вақтларда бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Маълумотларга кўра "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ туман филиали қошидаги БПТ ва ЎзХДП туман кенгаши ҳамкорлигида сўнгги марта 2011 йил охирида бир марта давра суҳбати ўтказилган.

Маълумки, партия ташкилотларининг нуфузи, жамиятдаги ўрни кўп жиҳатдан маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятига боғлиқ. Чунки, электорат манфаатига оид муаммолар айнан депутатлик гуруҳлари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ҳал этилади. Хўш, ўтган йил туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи фаолияти қанчалик самарали бўлди? Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатига қаратилган қонун ва қарорлар ижросини таъминлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан фойдаланиш борасида қандай ташаббуслар билан чиқилди? Ўтган йил давомида туман Кенгашининг 13 та сессияси бўлиб ўтган. Сессияларнинг фақат биттасида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан масала киритилган, холос. Ҳолбуки, туманда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаати билан боғлиқ муаммолар оз эмас. Аммо туман Кенгашидаги энг катта депутатлик гуруҳи фаолиятида ташаббускорлик етишмаяпти.

Шу ўринда бир мулоҳаза: қуйи бўғинлар — ҳар бир партиянинг қон томири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан меҳнат жамоалари, ҳудудларда фаолият кўрсатаётган, ҳар куни аҳоли орасида бўладиган, партия электоратини ўйлантираётган масалаларни чуқур биладиган бошланғич ташкилотлар фаолияти сустлиги натижасида электорат манфаатлари эътибордан четда қолиб кетмаяптими?

Камолиддин САИДҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Таъкидлаш жоизки, бугун замон сиёсий партиялар олдига ўз аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда муҳим ва кенг қамровли юксак талаблар қўймоқда. Ана шундай даврда ЎзХДПнинг Жиззах вилоятидаги айрим туман партия кенгашларининг фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Хусусан, 1130 нафар аъзо, 35 та бошланғич ташкилотини бирлаштирган Жиззах туман партия Кенгаши фаолияти билан танишиб, бунга амин бўлдик.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Қордан кейин... ёмғирлар

ЧАРХ АВЗОЙИНИНГ АЙНИБ ТУРИШИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИДАН ДАРАК ЭМАСМИ?

Бу йилги қиш ҳақиқатан "қаҳратон" мақомини олди. Одатда, ғарбда Италиягача, жанубда Малайзиягача етиб борадиган Сибирь циклони бу сафар, ҳатто Африка қитъасигача етиб борди. Мутахассисларнинг фикрича, эндиликда совуқ об-ҳаво ўз ўрнини ёғингарчиликларга "бўшатиб беради". Бу эса айрим минтақаларда ёғингарчиликлар сув тошқинларига олиб келиши мумкин. Шу боис ҳозир Бразилия, Таиланд, Филиппин, Ҳиндистон ва бошқа кўплаб давлатларда табиий офатга қарши чоралар кўрилмоқда.

Остонамизда баҳор мавсуми тургани боис ҳар қандай илиш ҳам бизни кўкламга етаклайди. Аммо олимлар бундай ўзгариш жорий йилда сайёрамизнинг кўплаб минтақаларида сув сатҳининг кўтарилиши, тинимсиз ёмғирларга сабаб бўлишини айтишмоқда. Масалан, Европада қарийб ярим асрдан буён илк маротаба кузатилган Дунай дарёсининг музлаши ғайритабиий ҳодиса сифатида баҳоланганди. Сўнгги маълумотларга қараганда, Сербияда ҳавонинг бироз илиши музларнинг эришига олиб келган, оқибатда йирик муз парчалари йўлда учраган кемаларга жиддий шикаст етказиб, айрим жойларда сув ўзанидан тошиб уй-жойларга зиён етказган. Дарёнинг қарийб 4 метргача музлагани инобатга олинса, кучли оқим атрофдаги ҳудудларга янада кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин.

Кузатувчиларнинг фикрича, баҳор фаслидаги тинимсиз ёмғир кўплаб давлатларни саросимага солмоқда. Бугун нафақат Европа, балки Африканинг айрим ўлкалари, Ливия, Жазоир каби давлатлар бир неча кундан буён давом этган тинимсиз ёмғирдан азият чекди. Ҳозир Венецияда кўплаб каналлар музлаб қолганидан хабарингиз бор. Қарийб бир асрдан буён кузатилмаган бундай совуқдан кейин ҳавонинг илиши сув сатҳининг сув устидаги шаҳарга баъзи нохушликларни олиб келиши мумкин. Буни инобатга олган шаҳар маъмурияти тегишли чора-тадбирларга қўл урган.

Метеорологларнинг айтишича, март ойида ҳароратнинг пасайиши кутилмоқда. Бу баҳор фасли нисбатан серёғин келишини англатади. Бунга Скандинавия ўлкасида ҳосил бўлган совуқ ва нам ҳарорат тезлик билан турли минтақаларга тарқалиши сабаб бўлади. Ҳозирнинг ўзида Австралиянинг Квинсленд, Янги жанубий Галлия ҳудудлари сув остида қолгани туфайли фақат вертолётлар ёрдамида бориш мумкин. Ўтган икки суткада бу ерда 160 миллиметр ёмғир ёққан. Табиий офат Митчелл, Боллон ва Мори шаҳарларига етиб келган. Боллон мэрининг айтишича, шаҳар ўтган уч йилда иккинчи маротаба сув остида қолган. Ҳозир мактаблар вақтинча ёпилиб, автомагистралларда транспортлар ҳаракати тўхатилган. Таҳлилчиларнинг фикрича, табиий офат нафақат Австралия иқтисодиётига, балки жаҳон қишлоқ хўжалигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Зеро, бешинчи қитъа кўмир ва маккажўхорини экспорт қиладиган йирик давлатлардан саналади. Бундай ҳолатларни Греция, Буюк Британия, Перуда ҳам кузатиш мумкин. Минтақаларда кучли ёмғир ва шамол кўплаб шаҳарларни электр энергиясиз қолдирган, кўчаларда бир неча километрлик тирбандлик пайдо бўлган.

Ҳар йили Филиппин, Таиланд, Бангладеш, Бразилия сингари давлатларда ёмғирлар мавсуми кузатилади. Баҳор бошланиши арафасида ушбу минтақаларда табиат инжиқликларига қарши тайёргарлик ишлари бошланади. Бангкок маъмурияти вакилларининг фикрича, пойтахтда вақтида чоралар кўрилмаса, ҳар қандай дамбанинг таянчлари вайрон бўлиши мумкин, оқибатда 12 миллион инсоннинг ҳаёти хавф остида қолади. Бунинг учун ҳукумат ҳарбий кемалар ёрдамида ёмғир сувларини денгизга чиқармоқчи. Илк маротаба синаладиган бу усул қанчалик самара беришини олдиндан айтиш мушкул.

Баҳорнинг ҳавоси алдамчи эканлигини бразилияликлар ҳам яхши тушунади. Бу ерда ҳаво кун эмас, соат сайин ўзгариб туради. Хусусан, пойтахт Рио-де-Жанейрода март ойида тўрт фаслнинг барча жиҳатларини кўриш мумкин: ёмғир ҳам, қор ҳам ёғади, об-ҳавонинг исиши, илиши ҳам тез-тез кузатилади. Айни пайтда пойтахт маъмурияти табиий офатларга қарши тайёргарлик ишларини бошлаган. Синоптикларнинг айтишича, 35 минг одамни бошқа ҳудудларга эвакуация қилишга ундаган ёғингарчилик яна қарийб бир ҳафта мобайнида шундай куч билан давом этиши кутилмоқда.

Ўтган йили ёмғирлар мавсумида юз берган табиий офат туфайли минглаб одамларнинг ҳалок бўлгани кўпчиликнинг ёдида. Мақсад — ўша мудҳиш ҳолатнинг такрорланишига йўл қўймаслик. Аммо ҳозирча ёғингарчилик инсон измига бўйсунмаяпти. Дамбаларнинг бузилиши туфайли штатнинг 4 минг аҳолиси бошпанасиз қолган: қарийб бир ҳафталик тинимсиз ёмғирдан сўнг ҳимоявий иншоотлар вайрон бўлган. Табиий офатдан мамлакатнинг жанубий-шарқий Минас Жерайс штати ҳам азият чекмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, Бразилияда офатдан зарар кўрганлар сони 2 миллиондан ошган, қарийб 90 та шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Мамлакатнинг нефтга бой Кампус-дус-Гойтаказис шаҳрида тинимсиз жала қуйиши вазиятни оғирлаштирган.

Мутахассислар қишнинг қаҳратонлигию баҳорнинг серёғин келишини табиий ҳол сифатида баҳолаётган бўлса, бошқа кузатувчилар сайёрамизда экологиянинг тобора озон қатламининг емирилиши, иссиқ ўлкаларда қаҳратон қиш, совуқ ҳудудларда ҳавонинг исиши рўй бераётгани бунга мисолдир. Экологик хавфсизликни таъминлаш, кескин иқлим ўзгаришларининг олдини олиш инсоният олдида турган долзарб масала. Дунё миқёсидаги йирик офатларнинг юзага келаётгани, талофатларнинг йилдан-йилга ошиб бораётгани масала ва муаммонинг кўлами нақадар кенг эканлигидан далолат беради. Айнан иқлимнинг ўзгариши туфайли Ер шари аҳолисининг қарийб 4,5 миллиарди чучук сув етишмайдиган қурғоқчил ҳудудларда истиқомат қилишга мажбур, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 1,5 миллиард гектар ернинг ҳар йили 6-7 миллион гектари деградацияга учрамоқда. Манбаларда ёзилишича, иқлим ўзгариши туфайли бир йилда 300 мингдан зиёд инсон ҳаётдан кўз юмиб, қарийб 350 миллион кишининг соғлигига путур етмоқда. Вазият шу тарзда давом этаверса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 500 мингни "забт" этиши мумкин.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, жорий йилда жаҳон океанининг тепа қисмида сув ҳарорати вақти-вақти билан ошиб, ҳаво бўшлиғининг юқори қатлами ва ҳарорати пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Бу сув сатҳининг кўтарилиши турли тошқинларга олиб келади. Чарх авзойининг бу қадар "айниб туриши" иқлим ўзгаришидан дарак эмасми, деган саволга мутахассислар бу баҳорга хос ҳаво эканини айтишмоқда. Тўғри, ёғингарчилик меъёридан кўп бўлиши мумкин, лекин бу сайёрамизда иқлим ўзгаришини англатмайди. Бунинг учун камида 50 йиллик маълумотларга таяниш керак.

Об-ҳаво жуда ўзгарувчан жараён. Гарчи янги асрда замонавий компьютер техникалари, синоптик, гидродинамик, статистик усуллардан фойдаланилаётган бўлсак-да, ҳар бир санани олдиндан аниқ айтиш мушкул. Аслида синоптиклар тегишли жойларга 5-6 кунлик об-ҳавони беради, кейинги бир ойлик башорат эса маслаҳатомуз, деб белгиланади. Боиси, узоқ минтақалардан келаётган ҳароратнинг тезлиги, йўналиши ўзгариши мумкин.

Тахминий маълумотларга кўра, март-апрель ойларида сайёрамизнинг айрим минтақаларида ҳарорат меъёрга яқин, баъзи жойларда ундан 1-1,5 даража паст бўлиши, ёғин миқдори эса кўп бўлиши кутилмоқда. Бу, албатта тахминий кўрсаткичлар, баъзан ўзгариши мумкин, аммо эътибордан четда қолдириб ҳам бўлмайди.

Беҳбуд БОТИРОВ,
«Milliy tiklanish»
шарҳловчиси

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Зилзила давомийлиги қанча?

Сайёрамизда ўртача ҳисобда ҳар 8 минг нафар одамдан бири зилзила қурбони бўлади, табиий офатдан у ёки бу даражада зарар кўрадиганлар сони эса қарийб ўн баробар кўп.

Олимларнинг зилзиладан сўнг ўтказган тадқиқотларига кўра, аҳоли кучли силкинишлар давомийлигини 30-40 сония, деб баҳолаган. Аслида улар 5-10 сония давом этади. Мутахассисларнинг фикрича, инсон танасининг сезгирлиги юқорилиги сабаб тебранишлар кўламига ҳам ортиқча баҳо беради. Бинонинг чайқалганлиги тўғрисидаги саволга гарчи бу ҳолда тебраниш қулочи атиги 2-3 сантиметрга етган бўлса-да, респондентлар бир метрга бориб келганини айтишган. Японялик мутахассисларнинг айтишича, ер силкиниши пайтида дастлабки ва энг тўғри чора саросимага тушмаслик. Зилзила даври бир неча сониядан 2-3 дақиқагача давом этиши мумкин. Бу вақтда хотиржамликни сақлаб, ақл билан иш кўриш вазиятдан талофатсиз чиқишга кўпроқ имкон яратади. Зилзила вақтида кўп қаватли уйларнинг лифт ёки зинапояларидан фойдаланиш ниҳоятда хавфли. Чунки бундай пайтда қурилмаларнинг қулаши кўп кузатилган.

Чипталар сотилган, аммо парвоз йўқ

Австралиянинг йирик "Air Australia" авиакомпанияси режадаги парвозларни бекор қилган.

Бунга ташкилотнинг ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига маблағ топа олмагани сабаб бўлган. Авиакомпания вакиллари мижозларига манзилга етишнинг бошқа чораларини кўришни сўраган. Уларнинг фикрича, ҳозир маъмурият муаммони ҳал этишнинг барча йўлларини кўриб чиқмоқда. Маълумотларга қараганда, парвозларни бекор қилишдан бир кун олдин авиакомпания қарийб 100 мингта чипта сотган.

Жанубий-Шарқий Осиё туризми

БМТнинг Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига қараганда, дунё иқтисодиёти кўраётган даромаднинг 9,4 фоизи, яъни 5,5 триллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ айнан ушбу соҳа ҳисобидан шаклланмоқда.

Халқаро ҳаво транспорти уюшмаси маълумотларига кўра, 2011 йилда глобал инқироз дунё бўйича йўловчилар ташиш ҳажмининг қарийб 6 фоизга қисқаришига олиб келди. Шунингдек, Хитойга ташриф буюрувчилар 7, Испанияда 16 фоизга камайгани айтилмоқда. Бундай ҳолатлар Италия, АҚШда ҳам кузатилган. Глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, Жанубий-Шарқий Осиёдаги давлатлар — Камбоджа, Малайзия, Таиланд, Вьетнамда хорижлик меҳмонларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қатор имтиёзлар яратилган: ҳаво йўллари, меҳмонхоналар нархлари пасайтирилган. Кариб ҳавзасидаги ороллар ва давлатлар ҳам вазият нечоғли оғир бўлмасин, ўз нуфузини сақлаб қолишга интилмоқда. Бунинг учун, курортлар хизмат нархи 50 фоизгача туширилган.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Ланг Санг

ЁХУД "МИЛЛИОН ФИЛЛАР ҚИРОЛЛИГИ"ГА САЁҲАТ

Қадимда Лаос "Ланг Санг", яъни "Миллион филлар қироллиги" номи билан дунёга танилган. Бу ном мамлакатга қирол Фа Нгум томонидан 1353 йили қироллик ҳудудларининг қайта бирлашган куни берилган. 1975 йилгача мамлакатни қирол бошқарган. Кейинчалик эса бошқарув президент қўлига ўтади. Бироқ, шунга қарамай XX аср охирларига қадар мамлакатга кириш камдан-кам сайёҳларгагина насиб қилган.

ВЬЕНТЬЯН — "САНДАЛ ДАРАХТИ"

Мамлакат пойтахти ва ҳукумат қароргоҳи бўлмиш Вьентьян шаҳри Меконг дарёси бўйида жойлашган. "Вьентьян" сўзма-сўз таржима қилинганда "Сандал дарахти" деган маънони беради. 1563 йили қирол Сеттатират оддий бир қишлоқ ўрнида "Ланг Санг" қироллиги пойтахтига асос солган. 1827 йилда шаҳар Сиам истилочилари томонидан босиб олинади. Бир неча ўн йилликлар давомида харобага айланган шаҳар Франция мустамлакаси даврида янада чирой очади. Французлар шаҳарни деярли қайтадан қуришади. Энг муҳими, биноларни қуришда французлар лаосликларга хос миллий унсурларни сақлаб қолганлар. Бугунги кунда Жануби-шарқий Осиёдаги энг кичик пойтахт шаҳар Лаоснинг йирик маданий, савдо ва маъмурий марказидир. Шунингдек, шаҳар ўзининг буддавийлар ибодатхонаси, қирол саройи, музей ва бозорлари билан ҳам машҳур. Диний маросим ва байрамлар муносабати билан ўтказиладиган спорт мусобақалари шаҳарнинг Тхат Лунг майдонида ўтказилади. Бундай беллашувлар нафақат шаҳар аҳлига, балки узоқ-яқиндан келган меҳмонларга ҳам олам-олам завқ улашиши аниқ.

ЛУАНГПХАБАНГ

Вьентьян шаҳридан тахминан 500 километр шимолроқда, Буюк ва Нам Кхан дарёлари кесишган жойда Лаоснинг энг кўҳна — Луангпхабанг шаҳри мавжуд. Мазкур шаҳар салкам 800 йил давомида "Лан Санг", кейинчалик "Ляо" қироллигининг пойтахти бўлиб келган. Бундай ном шаҳарга XIV аср ўрталарида берилган бўлиб, олтин Будда шарафига ("Пхабанг" ("муқаддас") ва "луанг" — "қироллик") қўйилган. Ҳозирда Луангпхабанг мамлакатнинг йирик маданий ва тарихий маркази саналади. 1995 йили шаҳар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

МУЗЕЙ-ИБОДАТХОНА

Узоқ йиллардан буён Зумрад будда ибодатхонасидан музей сифатида фойдаланилмоқда. Бу ерда қироллар оиласига тегишли буюм ва либослар, Будда қиёфаси акс эттирилган ноёб ҳайкалчалар сақланади. Бундан ташқари, ибодатхона тошдан ясалган улкан идиш билан ҳам дунёга танилган. Авваллари, Ҳиндихитой мамлакатларида ниҳоятда қадрланган ва кейинчалик Бангкокка олиб кетилган Зумрад будда айнан шу ибодатхонада сақланган.

БУДДА БОҒИ

Лаос пойтахтидан 25 километр жануброқда барпо қилинган будда боғи 1958 йили барпо қилинган. Ҳайкалтарош-сюррреалист Бунлииа Сулиилат томонидан яратилган ҳайкалларда асосан будда ва ҳинд маъбудлари гавдалантирилган. Ўшанда бундай боғни яратишда муаммолар бўлмаган. Чунки, ўша йили боғ қурилаётган жой яқинида янги цемент заводи ишга туширилган. Ташландиқ ибодатхона ўрнида барпо қилинган боғдаги барча ҳайкаллар ранг-баранг шиша мозаикалар билан безатилган. Бироқ, шу вақтга қадар будда боғида қайта таъмирлаш ишлари ўтказилмагани боис, мозаикаларни бир қарашда илғаб бўлмайди.

Лаос халқ демократик республикаси шарқда — Вьетнам, жанубда — Камбоджа, ғарбда — Таиланд, шимолда — Мьянма ва Хитой билан чегарадош. Майдони — 236,8 минг квадрат километр. Аҳоли сони — 6 477 211 киши.



НОЁБ ДАРЁ ДЕЛЬФИНЛАРИ

Чампасак — Ченла қироллигининг собиқ пойтахти ва мамлакатнинг қадимий шаҳарларидан бири. Шаҳар атрофидаги Ват Пхоу харобалари, бир нечта ирмоқ ва жилғалар, 4036 та орол йиғиндисидан иборат Си Фан Дон ҳудуди дунё сайёҳларини ҳамиша ўзига ром этиб келади. Қолаверса, бу ерда ўта ноёб дарё дельфинларини ҳам учратиш мумкин. Мамлакатнинг ҳайвонот олами ҳам ранг-баранг. Ёввойи ҳинд филлари, йўлбарс, леопард, мармар пантера, малай ва оқ тўшли айиқ, силовсин, тўтиқуш, товус, ўрдак ва кабутарларни Лаос ўрмонзорларидагина учратиш мумкин.

ЛАОС ОШХОНАСИ

Гуруч, туз, турли хил зиравор ва соуслар лаос ошхонасининг асоси ҳисобланади. Шунингдек, таом тайёрлашда лаосликлар кўкат ва сабзавотлардан ҳам яхшигина фойдаланишади. Гўшт ва балиқни эса ёғда қовуришни ёки бўлмаса кўмир чўғида пиширишни маъқул кўрадилар.

Сиру синоатларга бой Лаосни кўҳна ва сон-саноқсиз ибодатхоналар, бой маданий мерос объектлари, турли миллат ва элатлар ҳаёти, бепоён тропик ўрмонлар, хушманзара табиати ва виқорли тоғларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳтимол, бу ерга келувчи сайёҳлар қадамининг узилмаслиги ҳам айнан шундандир.

Зафар МУҲАММАД

ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

**Лаос денгизга чиқиш имконига эга эмас.*

**Пушти, қора, сандал ва темир дарахти каби қимматбаҳо дарахт турлари, шунингдек, ёввойи банан, нон дарахти, дуриан ва бошқа ўсимликлар Лаос ўрмонзорларидагина ўсади.*

**Мамлакатнинг Джа водийсида икки минг йиллик тарихга эга ичи ўйилган улкан тошлар мавжуд. Уларнинг оғирлиги 10,6 тонна келади.*

**Археологик манбаларда қайд этилишича, замонавий Лаос ҳудудида илк бор одамлар бундан 10 минг йил олдин жойлаша бошлаган.*

МУТОЛАА

Бир дарс сабоғи

Адабиётга жуда ҳам қизиқаман. Ҳар бир дарс мен учун янги бир оламни кашф этади. Ўтган дарслардан бирида мумтоз адабиётимизнинг энг ёрқин вакили Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан яна ҳам яқинроқ ва кенгроқ танишдик.

Айтиш жоизки, Навоий бобомиз ҳаёти нақадар ибратли бўлса, ижоди ҳам шу қадар бетакрор эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Алишер Навоийнинг кўп қиррали ижодкор экани унинг насрий ва назмий асарларида яққол намоён бўлган. Масалан, "Ҳамса", "Маҳбуб ул қулуб", "Вақфия" асарларидан парчаларни зўр қизиқиш билан мутолаа қилдик. Бобомиз бу асарларида гўёки биз ёшларга мурожаат қилгандек. Боиси, "Ҳайрат ул аброр", "Маҳбуб ул қулуб" асарларидан ўрин олган ибратли ҳикоятлар ҳеч қачон эскирмайди, давр танламайди. "Вақфия"да эса Навоий шахсияти ифодаланган: юрт ободончилиги йўлида қилган хизматлари ёритилган.

Навоий лирикасида ёшлар тарбиясига таъсир кўрсатадиган бир қатор жиҳатлар билан танишдик. Хусусан, "Сен ўз хулқингни тузгил" ғазали, "Камол касбига далолату нуқсондин изҳори малолат" ва "Фалокатдин аёғига кафш бўлмағанга чун" каби қитъалари кишиларни яхшиликка, эзгуликка ундайди.

Бобомизнинг қуйидаги фарди ҳам диққатимни тортди:

Мурувват барча
бермакдир, емак йўқ,
Футувват барча
қилмакдир, демак йўқ.

Ўтган дарсларда ўрганганимиз — фард жанри ҳақидаги назарий маълумотлар ушбу ноёб ижод маҳсули билан янада мустаҳкамланди. Мана шу атиги икки мисрадан иборат фарддан бир олам маъно топдим. Фард изчил, тушунарли сўзлар билан битилгани учун ортиқча таҳлил ҳам талаб қилмайди. Яъни, мурувват қилувчилар, Навоий тили билан айтганда ахий (дўст)лар ўзлари емайдилар, бироқ ўзгаларга улашадилар. Футувват, яъни яхшилик қилувчилар яхшилик қиладилар, аммо айтмайдилар, миннат қилмайдилар.

Умуман, ушбу дарс ҳаммамизда жуда катта таассурот қолдирди. Алишер Навоий ижодига бўлган қизиқишим ортиб, нафақат дарсда, балки дарсдан ташқари пайтларда ҳам Навоий ижодини кўпроқ ўрганиш ва унга чуқурроқ кириб боришга қарор қилдим. Бунинг учун юртимизда етарли имкониятлар мавжуд. Зеро, Навоий асарларида учрайдиган 60.000 та сўзни ўз ичига олган 2 жилдлик "Алишер Навоий асарлари изоҳли луғати"нинг нашр қилингани ҳам бобомиз ижодини ўрганишга жуда катта ёрдам беради. Мен Алишер Навоий ижодини ўрганиш мобайнида мана шундай буюк аждодларнинг авлоди эканимдан чин маънода фахрландим. Ўтмишда ўтган кўплаб улуғ алломаю адибларимизга муносиб ворис бўлиш учун келажакда яна ҳам кўпроқ ўқиб-ўрганишга ахд қилдим.

Садоқат АЛИЖОНОВА

КЎЗГУ

РОБИТА

Оқ, кўк, қизил, сариқ, яшил турналар

БОЛАЖОНЛАРНИНГ УЙЛАРИГА ЙЎЛ ОЛДИЛАР...

Япониянинг Хиросима шаҳридаги Тинчлик Боғида қўлида қоғоз турна ушлаб турган 12 ёшли қизча Садако Сасакога бағишланган ҳайкал ўрнатилган.

Садако оқ қон касалига чалиниб, касалхонага ётади. Бир куни унга қадим Япон афсоналаридан бирини сўзлаб беришади. Афсонага кўра, кимки қоғоздан 1000 та турна ясаса, тақдир унга бир орзуни ҳадя этаркан. Ушбу ҳикоя Садакода тузалиб кетиш умидини уйғотади ва у бошқа беморлар қатори қўлига тушган қоғозлардан майда турна шаклини ясай бошлайди. "Садако ва 1000 та турна" китобида ёзилган афсонага кўра, Садако атиги 644 та турнани ясашга улгурибди. Қизчанинг дўстлари қолган турналар сонини 1000 тагача етказдилар ва Садако ана шу 1000 та қуш билан биргаликда дафн қилинди. Уч йилдан сўнг Садаконинг дўстлари йиғилган пулга унга бағишлаб ҳайкал ўрнатишди. Шу кундан бошлаб ҳар йили қизча ҳайкали пойига ранг-баранг турналарни олиб келиш одат тусига айланди.

Турналар (цуру) Японияга октябрь ойида келиб, шу ерда қишлайдилар, баҳорда эса шимолга учиб кетадилар. Японлар уларни жуда яхши кўришади. Турналар тасвири япон санъатида жуда кўп учрайди. Япон лак асарларида, ойналарда, кийимларда турналар аксини кўплаб кўриш мумкин. Бу қушлар бахт ва узоқ умр рамзига айланган.

Оригами (япон тилида "тахланган қоғоз") — қоғоздан ҳар хил шакллар ясаш санъати. Қоғоздан турна шаклини ясаш эса оригами санъатининг мураккаб услубларидан бири ҳисобланади.

Бизнинг Ўзбекистонимизда ҳам оригами санъати ихлосмандлари кам эмас. Айниқса, бу санъат болаларга катта завқ бағишлайди. Айнан шунинг учун Ўзбекистон Давлат санъат музейида оригами бўйича маҳорат дарслари олиб борилмоқда. Биринчи маҳорат дарси Санъат музейининг Япония санъати залларининг реэкспозицияси муносабати билан ўтказилди. Тошкент шаҳри Миробод тумани 110-мактаб 6 синф ўқувчиларига музейнинг янгиланган заллари бўйлаб олиб борилган экскурсия бевосита маҳорат дарсига уланиб кетди. Анъанавий япон мусиқаси оҳанглари садосида чой маросими ўтказилди. Меҳмонларга ажойиб қовурилган гуруч таъмига эга бўлган анъанавий япон кўк чойи тортиқ этилди. Сўнг маҳорат дарси бошловчиси болажонларга қоғоздан япон *цуру* турналарини ясашни ўргатди. Оқ, қизил, сариқ, яшил турналар болажонларнинг уйларига — маҳорат дарси қатнашчиларига бахт ва узоқ умр бахш этиш ниятида йўл олдилар.

Оригами санъати болаларда, айниқса, эндигина ёзишни ўрганаётган кичкинтойларда ҳаракатлар аниқлигини ривожлантиради, ундан ташқари фикрлаш қобилиятини, хотирани, диққат-эътиборни, сабр-тоқат ва зийракликни оширади.

Бизнингча, иккинчи маҳорат дарси қатнашчилари ўзларида айнан шу қобилият турларини ривожлантира олишди. Аниқроқ қилиб айтганда, иккинчи маҳорат дарси "FEDE" фаолияти чегаралланган болалар марказида шуғулланадиган ўқувчилар учун олиб борилди. Бу уларнинг Санъат музейига бўлган биринчи ташрифи эди. Болаларга қизиқарли дастур тақдим этилди. Успенский номидаги Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейининг ёш ижрочилари томонидан классик мусиқа концерти, музей экспозицияси бўйлаб экскурсия ва маҳорат дарси ўтказилди. Ушбу маҳорат дарсида болалар "Дуй-болл" стол ўйинини ўргандилар. "Дуй-болл" футбол ўйинига ўхшашроқ, фарқи шуки, пахтадан ясалган тўп пуфлаб, рақиб дарвозасига киритилади. Дастур якунида маҳорат дарси қатнашчилари ширинликлардан тановул қилгач, музей экспонатларидан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар. Болалар музейга кейинги маҳорат дарси учун яна келишсин деб, музей ходимлари уларга қоғоз турналарни совға қилишди. Шунингдек, иштирокчиларга музей ҳақида буклетлар тақдим этилди. Албатта, буларнинг ҳаммаси болажонларга катта завқ бағишлади.

Навбатдаги маҳорат дарси Успенский номидаги Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейининг 3 синф ўқувчилари учун олиб борилди. Ушбу маҳорат дарсида нафақат ўқувчиларнинг ўзи, балки уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди. Янги йилга тўғри келган дасрда музей ходимлари болажонларга арча ва қорбобо шаклларини ясашни таклиф этишди. Японлар бундай қоғоз шакллар орқали табрикномалар ясайдилар. Болажонлар дўстларини, ота-оналарини, устозларини қўлда ясалган ноёб табрикномалар билан хурсанд этиб, мурғак қалбларининг бир бўлагини улашиш имконига эга бўлдилар. Шуниси қувонарлики, маҳорат дарси нафақат болажонларда, балки уларнинг ота-оналарида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Чунки улар ўз кичкинтойлари ёнида ўтириб, оригами шаклларини ясашда фаол иштирок этдилар. Аммо бу дарс болаларга камлик қилиб, улар музей ходимларидан гўзал турналарни ясашни ўргатишларини илтимос қилишди. Ўзлари ясаган турналарни кўрсатаётган болажонларнинг кўзлари ғурур, чексиз бахт ва самимий қувонча тўла эди.

Оригами маҳорат дарсларини ўтказиш Ўзбекистон Давлат Санъат музейининг яхши анъанасига айланиб бормоқда. Маҳорат дарсларини олиб борувчи музей ходимлари бор билимларини севимли болажонларга ўргатмоқдалар. Ахир, болажонлар билан суҳбатда бўлиб, уларнинг юзидаги табассум, кўзларидаги завқ-шавқ ва қувончни кўриб, ўзинг ҳам болалар мамлакатига қайтиб келганингни билмай қоласан...

Лола ИСАМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон Давлат Санъат музейи "Хорижий Шарқ мамлакатлари санъати" бўлими илмий ходими

КЎРГАЗМА

Аждодлар мероси — авлодлар фахри

Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқаро маданият карвонсаройи ҳамда Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 529 йиллигига бағишлаб "Аждодлар мероси авлодлар фахри" деб номланган кўргазма ташкил этди.

Кўргазмада Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейи фондида сақланаётган миниатюра асарлари билан бир қаторда замонавий миниатюрачи рассомлар, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда республика рассомлик коллежи талаба ёшлари ўз асарлари билан қатнашишди. Экспозициядан Алишер Навоий достонлари ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига аталган миниатюра асарлари, шоирларга тегишли ғазаллар, ҳикматли сўзлари ёзилган хаттотлик намуналари ўрин олган. Тадбир доирасида хаттотлик санъатининг бугунги кундаги билимдонларидан ҳисобланган хаттот Ҳабибулла Солиҳ ва унинг шогирдлари йиғилганларга хаттотлик санъати, меҳрга тўла ижодий жараён ва маҳоратини намойиш қилдилар.

Кўргазмага ёш хаттот (1996 йилда Самарқандда туғилган) Хива шаҳридаги Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Нафиса Заргарованинг киши диққатини ўзига тортувчи ишлари ҳам қўйилган. У бўш вақтидан унумли фойдаланади. 2005 йилдан Хоразм Маъмун академияси қошидаги "Кичик академия"нинг фаол аъзоси. Унинг келгусидаги орзуси — қадимий Хоразм хаттотлик мактаби ишларига оид нодир қўлёзмаларни астойдил ўрганиш.

— Мен, - дейди Нафиса, — дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келаётган сайёҳларнинг тарихий обидаларимизни ҳайрат билан томоша қилишлари, битикларга қизиқиб, уни ёзиб олишлари, видеотасмаларга туширишларидан фахрланаман. Хива шаҳридаги Ичонқалъа масжиду мадрасаларининг, минораю пештоқларидаги ёзувлар, унинг маъносини англашга интилиш, ота-онамнинг қизиқишлари, илмий ишлари ҳозирги даврда тарихимизни ўрганишга эътибор ҳам менинг қизиқишимга сабаб бўлди. Ниятим, устозларимдан билмаганларимни сўраб хаттотлик санъатини чуқур эгаллаш.

Кўргазманинг очилишида ижодкор-рассомлар, санъаткорлар, санъатшунослар, хаттотлар, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва бошқа турли касб эгалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашишди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ рассоми Ўзбекистон Бадиий академиясининг раис ўринбосари Жалолиддин Миртожиев, навоийшунос олим Юсуф Турсунов, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев йиғилганларга Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий ва илмий мероси, унинг бугунги ҳаётимиздаги ўрни, комил инсонни шакллантиришдаги тарбиявий аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

Кўргазмада иштирок этган бир гуруҳ талаба-ёшлар, ўқувчилар "Аждодлар мероси — авлодлар фахри" кўргазмасининг сертификатлари билан тақдирландилар.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган Навоий ва Бобур ғазалларига басталанган қўшиқлар тадбирга янада файз киритиб, миллий маънавиятимиз илдизларига уланиб кетди. Тарихий хотира мазмунмоҳияти ҳис-туйғулар билан бойиди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ҮГИТ

Ўзгага қилган мурувватингни дўстга ҳам, душманга ҳам мақтанма.

* * *

Шон-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир.

РИВОЯТ

Отага қилганинг болангдан қайтади

Бир йигит ўз отасини ҳақорат қилиб урганини кўрган одамлар нафратланиб, у адабсиз ўғилга ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Йигитнинг отаси одамларни тўхтатиб:

— Биродарлар, ўғлимга ҳужум қилманг, бу ишда ўғлим эмас, ўзим айбдорман. Йигитлик вақтимда кунлардан бир кун худди мана шу ерда отамни ҳақорат қилиб урган эдим. Отамга қилган адабсизлигим жазосини энди кўриб турибман, отамга қандай муомала қилган бўлсам, бугун ўшандай муомала ўз ўғлимдан қайтди. Нимани эксанг, шуни ўрасан, деб жуда тўғри айтганлар. Мен ота-онамни ҳурмат қилмадим, дилларини оғритдим, у муборак зотлар мендан норози бўлиб кетдилар, энди ўғлим айбдор эмас, биродарлар, айб ўзимда, - деб ўксиниб-ўксиниб йиғлади. Йигит отасининг сўзларидан таъсирланиб, дод-фарёд қилиб кўз ёш тўкди. Дарҳол отасини қучоқлаб, ўпиб, ундан узр сўради. Ота эмасми, у ҳам ўғлининг гуноҳини кечирди, унинг кўз ёшларини артиб, қучоғига босди. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган халқ ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олдилар.

БИЛАСИЗМИ?

Англиялик адиба Виржиния Вулф аксарият асарларини тик турган ҳолда ёзган.

* * *

Дунёдаги энг қадимги ва ҳозир ҳам амалда бўлган япон монархияси эрамизга қадар 660 йилда ўрнатилган.

ТУРФА ОЛАМ

Ёпишқоқ мато

МАССАЧУСЕТС УНИВЕРСИТЕТИ (АҚШ) ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ЯНГИ МАТО ТУРИНИ КАШФ ЭТИШДИ.



Манбада келтирилишича, Geckskin ("геккон териси") номини олган мато ёпишқоқлиги билан бирга ўта чидамли ҳам экан. Бундай мато унча-мунчага сизилиб кетмас эмиш. Мато ёпишган жойидан осонгина кўчади. Шу боис, ундан фойдаланиш борасида муаммолар бўлмайди. Қолаверса, "геккон териси" бир маротабалик материал эмас. Ундан жуда кўп марта фойдаланиш мумкин. Мато майин бўлгани учун ҳам ёпишқоқ. Шунданми, у ҳар қандай буюмнинг шаклига киришиб кета олади.

Самовий қишлоқ

ЯПОНИЯЛИК АРХИТЕКТОР ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ЛОЙИҲА ТОХОКУ АҲОЛИСИНИ ЦУНАМИ БАЛОСИДАН АСРАШИ МУМКИН.

Бунинг учун Киитиро Сако бошчилигидаги архитекторлар гуруҳи "самовий қишлоқ" бунёд этишни таклиф қилишмоқда. Лойиҳага кўра, бундай қишлоқ денгиздан 10-12 метр баландликдаги қуруқлик устида барпо этилади. Бу ердаги уйлар барча замонавий қулайликларга эга бўлиб, одатий турар-жойлардан деярли фарқ қилмайди. Фақат бундай уйларнинг баҳоси ўзига ўхшаш "осмон" бўлиши мумкин, холос. Эслатиб ўтамиз, Тохоку Японияниг шимоли-шарқида жойлашган. 2011 йининг 11 мартида бу ерда кучли зилзила рўй берган эди.

Янги рекорд

23 ТА ЁҒОЧ ЎРИНДИҚНИ ДАСТ КЎТАРГАН ХИТОЙЛИК ЙИГИТ ДУНЁ РЕКОРДИНИ ЎРНАТДИ.

Чунцин шаҳри марказида кўпчиликнинг ҳайратига сазовор бўлган 30 ёшли Ли Хонксяо нимага қодирлигини яна бир карра исботлади. У 11 сония давомида тишларида бир-бирига боғланган 23 та ўриндиқни тутиб турди. Ўтган сафар Ли 14 та ўриндиқ ёрдамида рекорд қўйган эди. Бироқ, бу йил рекордчи узунлиги 1 метр, умумий оғирлиги эса 70 килограмм келадиган ёғоч ўриндиқларни кўтарди ва бу борада устунликни сақлаб қолди.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони жамоаси партия шаҳар Кенгаши ИҚ девони бош ҳисобчиси Равшан Кайруллаевга волидаи муҳтарамаси

ОЙСИФАТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 219, Адади — 11367
Газетанинг баҳоси келишилган нархда
Навбатчи муҳаррир: Камолиддин ҲОТАМОВ
Навбатчи: Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.50.

1 2 3 5